Бутун дунё пролетарлари, бирлашиниз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

15 февраль 1972 йил, сешанба ✦ № 38 (15.209). ✦ Баҳоси 2 тийин.

КАДРЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЎҚУВИ

Коммунистик партия, бутун совет халқи социалистик экономикани тез суръатлар билан ривожлантириш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш вазифасини изчиллик билан амалга оширмоқда. Эндиликда биз тараққиётнинг шундай босқичига кирдикки, бу босқич эскича иш услубидан бутунлай ҳоли бўлиб, етилган масалаларни янгичасига, замон талаби асосида ҳал қилишни тақозо этади. Ҳозирги пайтда экономикани интенсивлаштириш, меҳнат унумдорлигини кўтариш, шулар асосида халқ фаровонлигини ошириш вазифалари биринчи планга қўйилмоқда.

Модомики шундай экан, саноат ва қишлоқ хўжалигини бошқараётган кадрларимизни, барча меҳнаткашларни иқтисодий билимлар билан қуроллантириш ниҳоятда зарур вазифадир.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш резерваларидан фойдаланишни яхшилаш ҳамда халқ хўжалигида тежамкорликни кучайтириш тўғрисида»ги Хати ҳамда КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашларга иқтисодий таълим беришни яхшилаш тўғрисида»ги қарорида қўйилган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши кўп жиҳатдан корхоналар, қурилишлар, колхозлар, совхозлар, цехлар, участкалар, бўлим ва бригадалар раҳбарларининг тайёргарлигига, уларнинг иқтисодий билимларни чуқур билишларига боғлиқдир.

Республика партия ташкилотлари партия ва ҳукуматимизнинг мазкур қарорлари ва тегишли тавсияларига таянниб, кадрларнинг иқтисодий таълимига раҳбарликни яхшилаш, иқтисодий ўқув формалари ва методларини такомиллаштириш соҳасида бирмунча тадбирларни амалга оширдилар ва бу борада муайян тажриба тўпладилар. Партия ташкилотлари асосий эътиборни фан-техника революцияси даврида социалистик экономикани ривожлантириш проблемаларига, унинг таъсирида халқ хўжалигининг барча соҳаларида юз бераётган ўзгаришларга қаратмоқдалар ва мактаблар ҳамда курсларда таълим олувчиларга шу масалалар юзасидан чуқур билим беришга интилмоқдалар.

Бу ўринда илғор саноат корхоналарида қилинаётган ишлар диққатга сазовордир. «Ташкенткабель» заводи партия комитети партия иқтисодий сиёсатига доир тўрт звено ташкил этган. Бундан ташқари, заводдаги «Иқтисодий билим асослари» ва комсомол сиёсий маорифидаги «Ёшлар проблемаси ва фан-техника тараққиёти» назарий семинарларида ҳам партия иқтисодий сиёсатининг муҳим масалалари ўрганилмоқда. Уларда 500 дан зиёд тингловчи қатнашмоқда. 26 коммунистик меҳнат мактабида 492 ишчи иқтисодий билимларни эгалламоқда. Машғулотлар ишлаб чиқаришнинг етилган масалалари билан маҳкам боғлаб олиб бориляпти, ҳар бир тингловчининг ижодий ташаббуси дарҳол коллектив мулкига айлантириляпти. Завод коллективи республикамиз саноат корхоналари орасида биринчи бўлиб «Ҳар бир ишчи инженер бўлсин!» деган ташаббусни бошлаб берди. Шунингдек, «Ташсельмаш» заводи партия комитетининг коллектив аъзолари иқтисодий билимларини ошириш йўлида амалга ошираётган тадбирлари ҳам ибратлидир.

Қишлоқ хўжалиги кадрларининг профессионал тайёргарлигини ва маҳоратини ошириш уларга чуқур иқтисодий таълим бериш билан бирга қўшиб олиб борилмоқда. Бундай қилиниши табиийдир. Чунки эндиликда ходимларнинг иқтисодий тайёргарлиги улар малакасининг ажралмас қисми бўлиб қолди. Узбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг республика методика кабинети барча категориядаги кадрлар, шу жумладан колхозчиларни ва совхоз ишчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш мактаблари, курслари ҳамда семинарлари программасига партиянинг иқтисодий сиёсатини, иқтисодий билимлар ҳамда меҳнатни ва ишлаб чиқаришни илмий ташкил этиш асосларини, корхона, колхоз ва совхозларнинг иқтисодий фаолияти практикасини ўрганиш темаларини ҳам киритди.

Қишлоқ хўжалиги кадрлари ва барча меҳнаткашларнинг иқтисодий ўқиши Тошкент ва Сирдарё областларида анча яхши йўлга қўйилди. Бу областларда машиналарнинг икки сменалаб ишлаши учун механизаторлар тайёрлаш зарурлиги ҳисобга олиниб, колхоз ва совхоз ишчиларининг муайян қисми «Ташсельмаш» заводида ва «Узсельхозтехника» базаларида ўқиб, ўз малакаларини оширмоқдалар.

Тошкент областининг Урта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхозда иқтисодий ўқиш яхши бошланди. Бу хўжаликнинг партия ва комсомол ташкилотлари донгдор механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шоймардон Қудратов ва ака-ука Шодиевларнинг чақириғига жавобан ёшлар олдига «Қишлоқда яшайсанми—механизаторлик касбини эгалла» деган шиорни ўртага қўйдилар. Ҳозир бу колхозда тажрибали мутахассислар тракторчи, механик-ҳайдовчи бўлишни истаган деҳқонларга техникани ўргатмоқдалар.

Иқтисодий билимларни пропаганда қилиш ва меҳнаткашларни билим кўникмалари билан қуроллантиришга техника интеллигенцияси, олимлар, Урта ва олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, илмий ходимлар кенг жалб этилмоқда. Тошкент халқ хўжалиги институти, Тошкент ва Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтлари ва бошқа олий ўқув юртларининг коллективлари иқтисодий билимларни оммалаштиришда актив қатнашмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашларга иқтисодий таълим беришни яхшилаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, кадрларнинг, барча меҳнаткашларнинг иқтисодий тайёргарлигини юксак даражага кўтариш министрликлар, идоралар ва партия ташкилотларининг энг муҳим вазифасидир. Улар ўқув планлари ва программаларини ишлаб чиқишни, иқтисодий мактаблар учун ўқитувчилар тайёрлашни доим назорат қилиб туришлари, бу соҳада тўпланган тажрибаларни умумлаштиришлари, меҳнаткашларга иқтисодий таълим бериш ишларини аниқ ва самарали ташкил этишда хўжалик раҳбарларининг масъулиятини оширишлари керак.

Совет кишилари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб, мамлакатимиз иқтисодий ва социал тараққиётида янгиданянги марраларни эгалламоқдалар. Тўққизинчи беш йилликнинг иккинчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун бошланган умумхалқ социалистик мусобақаси тобора авж олмоқда. Кадрларнинг иқтисодий ўқувини яхши йўлга қўйиш оммаларнинг ижодий ташаббусини янада оширишга, олга томон ҳаракатимизни янги куч билан тезлаштиришга ёрдам беради.

Қарши даштида бунёд этилаётган машина каналининг 2-насос станцияси чўлни об-ҳаёт билан таъминлайдиган йирик иншоотлардан бири ҳисобланади. Суратларда: юқорида насос станцияси қурилишида пешқадамлар сафида меҳнат қилаётган 24-кўчма механизациялашган колонна ишчилари В. Назарова ва Л. Подтеребкова ўртоқларни, пастда эса насос станцияси қурилишини кўриб турибсиз.

А. Тўраев фотолари.

ХУШХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

Сувлар равон оқади

◆ ХУЖАОБОД район суғориш тармоқлари бошқармаси ходимлари сув ресурсларидан тўғри фойдаланиш мақсадида мавжуд гидротехника иншоотлари ва ариқ-зовурларни сифатли тозалашга катта эътибор бермоқдалар. Улар шу кунгача колхозлараро ва хўжаликлар ичидаги коллектор-зовурларни механизмлар ёрдамида тозаладилар.

Оқбўра сойида 2200 метр ва Аравонсойда 1000 метр узунликда тош дамбалар қурилди. 25 та ар. тезиан қудуғи ишга туширилиш арафасида.

Техника шай турибди

◆ БЕКОБОД районидаги Ленин номли колхоз механизаторлари жами техникани мавсумга тайёрлаб қўйиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Ремонтчилар мавжуд 38 ҳайдов трактори, 40 сеялка, 335 борона, 17 чизел ва 50 та культиваторни шайлаб қўйдилар.

50 центнер учун

◆ ЛЕНИН ордени кавалери Эшчон ана Оллашев Тўрткўл районидаги Димитров номли колхознинг 13- бригадасига бошчилик қилади. Ўтган йили бригада аъзолари 60 гектар ерга чигит қадаб, ҳар гектаридан 45 центнердан дурдона йиғиб олдилар. Бу йил 50 центнер учун қизғин кураш бошладилар. Ўғитланиб, шудгорланиб қўйилган далага 400 тонна қўй қийи чиқарилди. Ерга кесак, гўнг ва эски тупроқлар солинмоқда. Яхоб суви беришга ҳам катта эътибор берилаётир.

Илғор хўжаликда

◆ «ҚИЗИЛ УЗБЕКИСТОН» колхози Оржоникидзе районидаги йирик хўжаликлардан бири. Ўтган йили колхозчилар давлатга 16.800 ўрнига 19.857 тонна сабзавот сотдилар. Сабзаворкорлар бундай муваффақиятни техникадан самарали фойдаланиш туфайли қўлга киритдилар. Шунинг учун ҳам улар техника ремонтига алоҳида эътибор бериб, 22 та ҳайдов, 47 чопиқ тракторлари, 43 та культиватор ва 14 та сеялкани мавсумга тайёрлаб қўйдилар. Ҳадемай, техника далага йўл олади.

Механизаторлар ғайрати

◆ УЙЧИ районининг техника жиловкорлари қишки ремонт ишларини ўзаро мусобақа асосида тезлатмоқдалар. 229 ҳайдов тракторининг 195 таси, 599 чопиқ тракторининг 462 таси, 301 чигит экиш сеялкасининг 190 таси ва бошқа қатор техникалар созлаб қўйилди. Ленин номли Калинин номли, Энгельс номли, «Ленинград» ва «Комсомол» колхозларининг механизаторлари пешқадамлик қилишди.

Район чорвадорлари зафари

◆ КПСС XXIV съезди қарорларини ҳаётга татбиқ этаётган Китоб районининг азамат чорвадорлари улкан зафар қучдилар. Район колхоз ва совхозларидан давлат тайёрлов пунктларига 200 тонна ўрнига 211,5 тонна семиз бўрдоқи гўшти етказиб берилиб, бу соҳадаги биринчи квартал плани муддатидан илгари адо этилди. Бу галаба. да райондаги К. Маркс номли, Куйбишев номли, Улуғбек номли, «Партия XIX съезди» колхозлари, «Китоб» ва «Шаҳрисабз» совхозлари чорвадорларининг салмоқли ҳиссаси бор.

Район хўжаликларида давлатга иккинчи квартал ҳисобига чорвачилик маҳсулотлари топшириш қизғин давом этмоқда.

Кўклам тараддудида

◆ «Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур» дейди доно халқимиз. Буни яхши билган Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхоз механизаторлари техника ремонтига зўр беришляпти. А. Эргашев, А. Анорқулов каби механизаторларнинг самарали меҳнатлари туфайли хўжаликнинг юздан ортиқ турли техника воситалари сифатли ремонтдан чиқарилиб, кўкламги экиш мавсумига тахт қилиб қўйилди.

Райондаги «Ленинград» ва Карл Маркс номли колхоз механизаторлари ҳам хўжаликдаги мавжуд техника воситаларини шайлаб қўйдилар.

Ёш механизаторлар

◆ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР Беруний районида бу йил механизаторлар сафига яна 200 дан ортиқ йигит ва қиз қўшилади. Ана шу мақсадда районнинг кўпгина хўжаликларида механизаторлар тайёрлаш 4 ойлик курслари очилди.

Охунбобоев номли, Беруний номли ва «Узбекистон ССР 40 йиллиги» совхозларида ташкил қилинган курсларда машғулотлар уюшқоқлик билан давом этяпти. Куни кеча бундай курслар районнинг Киров номли, «Ленинизм» колхозлари ва «Узсельхозтехника» район бирлашмаси қошида ҳам ўзининг дастлабки машғулотларини бошлади.

«ЛУНА-20» ПАРВОЗДА

ТАСС АХБОРОТИ

Космик фазони тадқиқ этиш программасига мувофиқ 1972 йил 14 февраль Москва вақти билан соат 6 дан 28 минут ўтганда Совет Иттифоқида «Луна-20» автомат станцияси учирилди.

Станцияни учиришдан мақсад Ойни ва Ой атрофи фазосини илмий тадқиқ этишни яна давом эттиришдан иборатдир.

Станция Ойга Ер сунъий йўлдошининг орбитасидан учирилди. Станция ҳисоблаб қўйилганига яқин траектория бўйлаб ҳаракат қилиб бормоқда.

Телеметрик ахборот маълумотларига кўра, станциянинг ичидаги системалар ва агрегатлар нормал ишлаб турибди. Ердаги команда ўлчов комплекси воситалари станция билан барқарор радио алоқа боғлаб турибди. Координациялаш-ҳисоблаш маркази олинаётган ахборотларни ишлаб чиқмоқда.

САНОАТИМИЗНИНГ МАРДИ МАЙДОНЛАРИ

БЕШ ЧИНОР

Сурранг булутлар шиддат билан қор элайди. Кўчалар, томлар, деворлар, дарахтлар оппоқ. Ариқ бўйида шамдек терилган теракларнинг учучида қарғалар эринибгина қор чақиради. Мўриларидан бурқисётган тутун кўчалар устига ҳаво ранг парда бўлиб тўшалади. Зарофат опанинг бугун ташвиши бир олам. У меҳмон кутяпти. Ўзи билан ишлайдиган ҳамкасблари, ҳамкорхоналарини кутяпти. Ҳали замон улар уйни тўлдириб опани табриклагани келиб қолишади. Зарофат опа дастурхонни тузаб, дамба-дам қор парчалари оқ капалакдай урилаётган деразадан кўчага тикилади. Комбинат дарвозаси ёнидаги дарахтзорда болалар қишнинг тоза оқ момиғида юмалаб ўйнашади, қий-чув билан қорбобо ясашади.

Эшик тақиллади. Бир оздан сўнг опанинг катта қизи Зуҳра телеграмма кўтариб келди. Зарофат опа шошилиб ўқиди. Москвадан, Тонядан, устози Антонинадан экан: «Меҳнат ёшинг ўттизга тўлгани билан табриклайман, сени қаттиқ қучиб, Антонина».

Антонина... Антонина Тукалова... Зарофат опа сариқ соч, мовий кўз, нозик-ниҳол қизни кўз олдига келтирди. Биринчи танишган кунги гапи ёдига тушди. «Токарь бўласанми-а, токарлик нима эканлигини биласанми? Бу шундай касбки... —Тоня алланарсадан ҳузур қилгандек кўзларини юмди. Сўнг унга қараб кулимсираги. — Майли, шогирдликка оламан. Аммо айтганимдан чиқмайсан. Буюрганимни қиласан. Розимисан?»

Зарофат опа комбинатга қадам қўйганига ўттиз йил бўлибди! Қанчадан-қанча сувлар оқиб ўтди ўшандан бери. Антонинага шогирд тушганида жамалак соч қиз эди, ҳозир бошига қиров қўнибди, йиллар юзига тўр ташлаб ўтибди. Уша йили экилган ниҳолларнинг мевасидан ҳозир Зарофат опанинг фарзандлари баҳраманд бўлишяпти. Уша йилнинг баҳорида Муслим ака қизи билан бирга яхши ният қилиб, завод ҳовлисига бир туп ниҳол эккан эди, ҳозир азим чинор забардаст шохларини ёйиб, қор кўрпага бурканганича қомат кериб турибди.

Зарофат опани ҳаёллар ўз оғушига олди. Унинг бир оз дағалроқ, қадоқ босган қўлларидан тутиб, ёшлик йилларига етаклади. Унутиб бўлармиди у йилларни? Улуғ Ватан уруши айни қизиган, не-не йигитлар елкага милтиқ осиб аскарликка кетиб, маҳалла хувиллаб қолган дамлар эди. Фронтга юборишларини сўраб ариза берган ва эрта-индин шинел кийиш умидида юрган Муслим аканинг иккала кўзи ҳам кутилмаганда ожиз бўлиб қолди. Она жияк тикади, дўппига пилта уради, лекин бу билан оила рўзғорини бир ўзи тортолмади.

Ана шу аснода маҳаллада дув-дув гап тарқалди: Россиядан абразив заводи кўчиб келибди, унга ишчилар керакмиш... Фронтда жон олиб жон бераётган забардаст йигитларнинг ўрнини маҳалла аёллари босишди. Тўққизинчи синфда ўқиб юрган Зарофат ҳам дадасидан маслаҳат сўради:

— Ҳар кимнинг ҳаётда ўз орзуси, ўз йўли бор қизим. Ризқ-рўз танланган касбда. Касбнинг эса яхши-ёмони йўқ. Ишчиликни танлабсан, омон бўл,—ота қизининг сочларидан силади, пешонасидан ўпиб, оқ йўл тилади.

Завод билан бирга кўчиб келган москвалик токарь Антонина Тукалова Зарофатни ўзига шогирд қилиб олди. Икки қиз опа-сингил тутунишди. Қўп ўтмай Зарофат мустақил ишлай бошлади. Орадан бир йил ўтгач, опасининг изини босган синглиси Шарифага ўзи устозлик қилди.

...Кўчага оқшом қўнди. Симёғочларнинг учига қўндирилган чироқлар нурида қор капалаклар галаси тинмай қанот қоқади. Одамлар оқими ҳамон қалин. Улар Зарофат опанинг касбдошлари — токарь, слесарь, пардозловчилар. Қўллари шу корхонани йўғраклаб катта қилган, вояга етказган кишилар.

Зарофат опа собиқ завод билан ҳозирги комбинатни ҳаёлан таққослайди. Абразив буюмлари заводининг дастлабки дастгоҳлари Тошкентнинг Отчопар маҳалласига ўрнатилган, цехларнинг деворлари қад кўтарган ўша йилдан бери корхонада озмунча ўзгаришлар бўлдими?! Отчопарнинг шўразор саҳнига одам келса ўраги чўчирди бир вақтлар. Ҳозир бу ерда ишчилар поселкаси, мактаб, клуб, боғча... Завод комбинатга айланди. Янги цехлар қурилди. Янги дастгоҳлар, автомат ва ярим автомат агрегатлар ишга тушди. Ишлаб чиқариш тўла механизациялашяпти. Буларнинг ҳаммасига Зарофат опа шоҳид. Ҳамма ўзгаришлар, опанинг кўз ўнгида бўлмоқда. Уз қўли билан бунёд қилди уларни Зарофат опа.

Ўтган ўттиз йил Зарофат опа ҳаётида ҳам катта ўзгариш ясади. Уз тақдирини комбинат тақдири билан боғлаб, шу ерда бахтини топди. Коллектив корхонанинг иккй илғор ишчиси Зарофат билан Ниёз Комиловларнинг тўйини ўтказишди. Уч кишига еткан токарлик оиласига яна икки аъзо кўшилди. Укаси Шерзод Шокаримов ва келини Матлуба Шокаримовалар ҳам уларга шогирд тушиб, сал ўтмай мустақил ишлайдиган бўлиб қолишди. Беш токарь—беш ишчи бир сменада ишлашади, дастгоҳлари ҳам ёнма-ён. Ҳатто уларнинг номлари ҳам комбинат «Ҳурмат тахтаси»да ёнма-ён турибди.

Бу оила фақат токарлар оиласигина эмас, коммунистлар оиласи ҳам бўлиб қолди. Зарофат опа партия сафига кириш учун ариза бергандан бери ўн саккиз йил ўтди. Ўн саккиз йилдан бери партия билетини юраги устида сақлаб келяпти. Ниёз ака ҳам коммунист. Бу беш токарь ўтган беш йиллик топшириқларини уч ярим йилда бажариб, корхонадаги ўз ҳамкасблари орасида биринчиликни олган эди. КПСС XXIV съезди арафасида Зарофат опа тўққизинчи беш йиллик учун олган шахсий мажбуриятини уч ярим йилда адо этишга қарор этди. Унинг бу ташаббуси абразив асбоблари цехи партия ташкилоти коммунистлари йиғилишида муҳокама қилинди. Комбинат партия комитети бу ташаббусни корхонадаги барча ишчилар ўртасида кенг ёйишга қарор қилди. Ташаббус қанот ёйди. Ҳозир бу ерда юздан ортиқ турли касбдаги кишилар беш йиллик юзасидан олган шахсий мажбуриятларини уч ярим йилда бажариш учун курашмоқда.

Зарофат опа Комилова ўзи ишлайдиган участка коммунистларига етакчи, партия группаси ташкилотчиси. Бу группада ўн икки коммунист бор. Улар ҳаммаси ҳам ишлаб чиқариш илғори, ўзларига даргалик қилаётган Зарофат опадан ўрнак олиб, опа сингари ғайрат билан меҳнат қиладилар. Слесарь Маннон Абдурҳмонов, Файзи Кароматовларнинг номлари ҳам «Ҳурмат тахтаси»дан ўрин олган. Опанинг собиқ шогирдлари— Шура Ажумакаева, Умия Имирсаилова, Ҳадича Бекировалар комбинатда ўтган йили энг яхши токарлар деган ном олишди. Улар ишлаётган цех эса корхонадаги энг илғор цехлардан бири бўлиб қолди...

...Сурранг булутлар ҳамон шиддат билан қор элайди. Кўчалар, томлар, деворлар, дарахтлар оппоқ. Зарофат опа тумани деразадан комбинат бинолари қад кўтарган дарахтзорга ҳаёлчан тикилади. Ҳув ана — бир вақтлар Муслим ака эккан чинор. Шохларини ёйиб, юксалиб, қаддини кериб турибди. «Мана шу чинордай ўс, юксал қизим», деб яхши тилак қилган эди ота қизига. Йиллар Зарофат опани ўз қанотига олиб, юксакликларга парвоз қилдирди. Йўқ, фақат — Зарофат опагина эмас, комбинат қанотига суянган шу оиланинг беш аъзоси ана шу чинор каби улғайиб, камол топди. Беш чинор... Забардаст чинорларга қиёс қилгим келади уларни...

Р. ТУРСУНОВ.

СССР МУДОФАА МИНИСТРИ ЖЎНАБ КЕТДИ

Сомали Демократик Республикаси ҳукуматининг таклифига биноан, СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали А. А. Гречко 13 февралда Могадишога жўнаб кетди. (ТАСС).

ЮГОСЛАВИЯДАН КЕЛГАН МЕҲМОНЛАР

Югославия коммунистлар союзи президиумининг аъзоси Стане Краньц бошчилигидаги ЮКС партия ходимлари делегацияси Узбекистон меҳнаткашларининг ҳаёти билан танишмоқда.

Югославиялик меҳмонлар Тошкент билан Самарқанднинг диққатга сазовор жойларини бориб кўрдилар. Улар Узбекистон ССР Олий ва Ўрта махсус таълим министрлиги, республика Фанлар академияси ва В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети раҳбарлари билан учрашдилар, фанни ривожлантиришда, халқ хўжалиги ва маданиятнинг турли тармоқлари учун мутахассислар тайёрлашда Узбекистоннинг эришган муваффақиятлари билан қизиқдилар.

Югославия коммунистлар союзи партия ходимларини 14 февралда Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов қабул қилди. У дўстона суҳбат чоғида, республикада ленинча миллий сиёсатни амалга ошириш негизида юз берган ўзгаришлар тўғрисида, Узбекистон партия ташкилоти амалга ошираётган вазифалар ҳақида делегация аъзоларига сўзлаб берди.

(УзТАГ).

ИЛҒОРЛАРГА—БАЙРОҚЛАР

СССР Қишлоқ қурилиши министрлигига қарашли қурилиш-монтаж ташкилотлари ва корхоналари коллективларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида 1971 йил тўртинчи квартал якунлари бўйича Андижон ва Наманган областларининг «Облколхозстрой» трестлари энг яхши натижаларга эришди. Ғолибларга СССР Министрлар Совети билан ВЦСПСнинг кўчма Қизил байроқлари берилади.

Тошкент областидаги 23- қурилиш трестига қарашли 8- механизациялашган кўчма колонна ва Сурхондарё областидаги 3- автотрест коллективлари СССР Қишлоқ қурилиши министрлиги билан қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати ишчилари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан тақдирланди.

ПРОПАГАНДИСТЛАР ЎҚИМОҚДА

Партия маорифи системасида иқтисодий соҳадаги пропагандистлар доимий ишлаб турган шаҳар ва район семинарлари раҳбарларининг республика курслари тўрт кун давом этди. Бу курсларни Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пропаганда ва агитация бўлими чақирди. Семинарлар раҳбарларининг машғулотлари КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашларга иқтисодий билим беришни яхшилаш тўғрисида»ги қарори ва пропагандистларнинг малакасини ошириш вазифалари деган темага бағишланди.

Машғулотлар «КПСС XXIV съезди ва партия ташкилотларининг ғоявий-тарбиявий ишлар соҳасидаги вазифалари» тўғрисидаги доклад билан бошланди. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Х. Ю. Аслиддинова шу ҳақда доклад қилди. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари С. А. Нишонов ва партия пропагандаси секторининг мудири И. Р. Раҳмонқулов курсларнинг тингловчиларига «КПСС XXIV съезди экономикани бошқариш системасини такомиллаштириш тўғрисида» ва «КПСС XXIV съезди меҳнаткашларга иқтисодий билим беришни яхшилаш тўғрисида» деган темада доклад қилдилар.

Курсларнинг тематикаси хилма-хил ва фойдали бўлди. 160 кишидан иборат тингловчилар экономикани бошқариш системаси ва фан-техника революциясини такомиллаштириш проблемаларини, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш йўллари ва социалистик мусобақани ташкил этиш принципларини, партия пропагандасининг психологик асослари ва пропагандистлар доимий семинарлари ишини ташкил этиш масалаларини ўрганишди. Узбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси О. М. Аминов, иқтисод фанлари доктори А. У. Улмасов, тарих фанлари доктори А. М. Йўлдошев, педагогика фанлари доктори М. Г. Давлетшин, пойтахт олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, олимлар ана шу темаларда ва бошқа темаларда лекция ўқидилар.

Курсларнинг қатнашчилари иш тажрибаларини ўртоқлашдилар, В. И. Ленин музейининг Тошкент филиалини келиб кўрдилар.

Г. ПАВЛОВ.

ПАРТИЯ ҲАЁТИ САҲИФАСИ

Яккабоғдаги механизациялашган кўчма колонна бошлаётган партия ташкилоти кадрлар билан яқиндан иш олиб бормоқда. Бу ерда ишчиларнинг тажриба ва билимини оширишга алоҳида эътибор бериляпти. СУРАТДА: участка бошлиғи, коммунист А. Нормуродов (чапда) Эски Ангор канали қурилишида ишлаётган механизаторлар — Н. Раҳматов, М. Ҳақбердиев, З. Хантовлар билан суҳбатлашмоқда.

А. ТУРАЕВ фотоси.

- Партия топшириғи—муқаддас
- *Агитация ходимларининг ўқуви*
- Эр йигит—эл ғамида

ҚАРОР ИЖРОСИ БИЛАН

Самарқанд область партия комитети КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг тежамкорлик ҳақидаги Хати юзасидан қабул қилинган қарорларнинг жойларда қандай бажарилаётганлигини муҳокама қилди. Кўпгина ташкилот ва муассасалар тежамкорлик учун кураш соҳасида бир қанча ибратли ишлар қилдилар, 900 та кўрик комиссияси иш олиб боряпти. Айниқса область автомобиль трести бўлимларида, электр тармоқлари шохобчаларида, локомотив ва вагон депоси ҳамда Самарқанд геология трестида намунали ишлар қилинган. Каттақўрғон шаҳар партия комитетининг ташаббуси билан резервларнинг ленинча кўриги ўтказилди.

Давлат маблағларидан тежаб-тергаб фойдаланиш, хўжасизлик ва исрофгарчиликка қарши кураш яхши самара берди. Меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган 2,5 мингга яқин таклиф тушди. Ишлаб чиқаришга жорий этилган 1430 та рационализаторлик таклифи 5 миллион сўмлик иқтисодий фойда берди. Область партия комитети, баъзи партия, касаба союз ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари тежамкорликка етарли эътибор бермаётганлиги сабабли 26 та корхонада маҳсулот таннархи пландагидан анча ошиб кетганлигини танқид қилди. Партия ташкилотлари ва хўжалик раҳбарларининг диққат-эътибори тежамкорликка қаратилди. Давлатнинг ҳар бир сўмидан тежаб-тергаб фойдаланиш ва янгидан-янги ички резервларни топиб ундан самарали фойдаланиш лозимлиги уқтириб ўтилди.

ҚИШЛОВ ҚАНДАЙ ЎТЯПТИ?

Бухоро область яйловларида 1,5 миллион бошдан ортиқ қўйэчкилар ва 105 минг бош йирик қорамоллар боқилмоқда. Область партия комитети чорва қишловининг намунали ўтишини таъминлаш мақсадида колхоз ва совхозларнинг зоотехниклари, ветеринария врачларининг кенгаш-семинарини ўтказди. Семинар қатнашчилари Қизилқум, Уртачўл, Нурота яйловларида чорва молларини турли касалликлардан сақлаш ва қишловни намунали ўтказиш, озуқа, қўра ва қўтонлардан самарали фойдаланиш юзасидан лекциялар тингладилар, ўзаро тажриба алмашдилар.

Машғулотлардан сўнг чорвачилик мутахассислари, зоотехниклар, ветеринария врачлари, партия ва совет ташкилотлари раҳбарларидан иборат зарбдор бригадалар чўпон-чўлиқларга қишловни намунали ўтказишда ёрдам уюштириш учун яйловларга жўнаб кетдилар.

ИДЕОЛОГИЯ ХОДИМЛАРИ КЕНГАШИ

ФАРҒОНА шаҳрида идеология ходимларининг область кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, шаҳар ва район ижроия комитетлари раисларининг ўринбосарлари, комсомол ходимлари, корхона, колхоз ва совхозлар партия ташкилотларининг секретарлари, адлия ходимлари, қишлоқ Советларининг раислари иштирок этдилар. Область партия комитетининг секретари А. Маҳмудовнинг «Меҳнаткашларни атеистик руҳда тарбиялаш ва янги анъаналарни турмушга татбиқ этиш» ҳақидаги доклади тингланди.

Доклад юзасидан музокаралар бўлди. Кенгаш атеистик тарбияни яхшилашнинг конкрет тадбирларини белгилади.

ЧИНИҚИШ МАКТАБИ

Сиёсий агитация — меҳнаткашлар оммасини коммунистик руҳда тарбиялаш, уларни голвий чиниқтириш, меҳнат активлигини оширишда партиянинг муҳим тарбиявий қуролидир. Шу туфайли Владимир Ильич Ленин кишилар тарбиясига қаратилган сиёсий агитация жамият олдида турган муҳим вазифалар ва проблемалар асосида ташкил этилмоғи лозим, деб кўрсатган эди. Дохий сиёсий агитация жанговар, актив ва кишилар қалбига йўл топа оладиган бўлиши кераклигини, бунда мазмун қолип билан чегараланиб қолмасдан, ҳаёт талабидан келиб чиққан ҳолда иш кўриш заруриятини уқтирди.

Самарқанд область партия ташкилоти ўз фаолиятида партия XXIV съезди ва КПСС Марказий Комитети ноябрь (1971 йил) Пленуми қарорлари асосида иш кўрмоқда. Областда марксча-ленинча революцион назария, партиянинг ҳозирги даврдаги ички ва ташқи сиёсати, съезд ва Пленумларда қабул қилинган муҳим ҳужжатлар аниқ система асосида пропаганда қилинмоқда.

Область партия комитети сиёсий агитациянинг самарадорлигини ошириш, унинг жанговар ва таъсирчанлигини таъминлаш учун муҳим тадбирларни амалга оширмоқда. Оммавий-сиёсий ишларни авж олдириш, бунда тарғиботнинг хилма-хил форма ва усулларидан самарали фойдаланишни таъминлаш партия ташкилотларининг жонажон ишига айланиб қолмоқда. 1971 йил ноябрь ойида областнинг барча районларида сиёсий ахборотчилар, агитаторлар ва сиёсий ташкилотчилар мактабларида ўқувни ташкил этишга бағишланган семинар-кенгашлар ўтказилди. Уларда шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, агитация ва пропаганда бўлимларининг мудирлари докладлар билан чиқдилар. Семинар-кенгашларда агитаторлар, сиёсий ахборотчи ва сиёсий ташкилотчиларнинг мактабларини ташкил этиш йўллари, форма ва методларига оид илғор тажрибалар умумлаштирилди ва оммалаштирилди. Бундай семинарлар Каттақўрғон шаҳри, Ургут, Булунғур, Жомбой, Пайариқ районларида айниқса яхши ташкил этилди. 300 киши иштирок этган Жомбой район тарғиботчиларининг семинар-кенгашида агитаторлар мактабларида қўлга киритилган тажрибалар умумлаштирилди. Агитаторлар мактаблари иши райком бюроси ва партия активи йиғилишларида муҳокама қилиниб, бу соҳада аниқ тадбирлар белгиланмоқда. Масалан, район партия комитети бюросида «Москва» колхози сиёсий ахборотчилари ва агитаторларнинг ишлари муҳокама қилинганида агитаторлар мактаби ютуқ ва камчиликлари ҳам таҳлил этилди.

Агитаторлар мактаблари фаолиятини кучайтириш, уларнинг хилма-хил формаларидан самарали фойдаланиш область партия комитетининг диққат-эътиборида. Бу йил агитаторларнинг доимо ишлайдиган семинарида ва агитаторлар мактабида кўплаб тарғиботчилар таҳсил кўрмоқда. «Агитатор» журналида эълон қилинган программа асосида иш кўриляпти. Бундан ташқари агитаторларнинг семинар ва мактабларида партия XXIV съезди ва КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми материаллари махсус программа асосида ўрганилмоқда. Машғулотларда қатнашувчи агитаторлар лекция ва докладларни тинглаш билан биргаликда ўзаро тажриба ҳам алмашмоқдалар.

Самарқанд шаҳридаги саноат корхоналари, ташкилот ва муассасалар, ўқув юртларидаги тўқсон га яқин агитаторлар мактабида кўпгина тарғиботчилар ўқишди. Ҳозир улар шаҳар меҳнаткашлари ўртасида катта оммавий-сиёсий иш олиб боришяпти. Бу йил эса 18 саноат корхонаси ва олий ўқув юрти партия ташкилотлари очган агитаторлар мактабларида 1.200 киши тарғиботчилик маҳоратини ўрганмоқда. В. В. Куйбишев номидаги Самарқанд қишлоқ хўжалик институтидаги агитаторлар мактабининг иши айниқса ибратли. Институтнинг етакчи олимлари бу мактаб тингловчилари олдида мазмунли лекция ва докладлар билан чиқмоқдалар. Суҳбат, илмий-методик конференция ўтказиш, тажриба алмашиш ҳам яхши расм бўлди.

Самарқанд шаҳридаги «Гелион», «Кинап», суперфосфат заводлари, 26 Боку комиссари номидаги шойи тўқиш фабрикаси, чой қадоқлаш фабрикаси, локомотив депосида, Самарқанд районидаги «Богизагон» совхози, «Победа» колхози, Иштихон районидаги «Правда» колхози, Нарпай районидаги Калинин, Охунбобоев номли колхозларда агитаторлар мактабининг семинар формаси муваффақиятли равишда қўлланилмоқда. Сўнгги бир неча ой ичида тарғиботчилар учун область шаҳар ва районларида илмий-назарий конференциялар ўтказилди. Бундай конференциялар Каттақўрғон шаҳри ва Жомбой районида айниқса мазмунли ўтди.

Бироқ, малакали агитатор кадрларни воягa етказиш ишида областимизда ҳали жиддий камчилик, нуқсонлар ҳам бор. Ҳамма агитаторлар мактаблари ва семинарлари аниқ план ва программа асосида иш кўрмоқда, деб бўлмайди. Айрим агитаторлар мактаби ва семинарлари номигагина ташкил этилган бўлиб, машғулотлар ўтказилмайди.

Область партия комитети партия ташкилотларини агитаторлар мактаблари ва семинарлари ишига амалий ёрдам кўрсатишга йўналтириб келмоқда. Яқин орада оммавий-сиёсий ишларни яхшилашга бағишланган махсус кенгаш ўтказиш планлаштирилди.

Ш. ФАЙЗИЕВ,
Самарқанд область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудири.

ПАРТИЯ ТОПШИРИҒИ

КПСС Устави ва Программаси ҳар бир коммунист зиммасига партия ташкилоти фаолиятида актив иштирок этиш, партия қарорларини қатъий ва оғишмай амалга ошириш, ижтимоий бурчни бажаришда ўрнак кўрсатиш вазифасини юклайди. Партия XXIV съезди қарорларида таъкидланганидек, **коммунистик қурилиш соҳасидаги ҳаётий муҳим вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши, даставвал коммунистларнинг активлиги ва ташаббускорлигини оширишга боғлиқдир.**

Партия ташкилотларининг етакчилик ролини ва жанговарлик қобилиятини оширишда, коммунистларнинг масъулиятини кучайтиришда партия топшириқлари катта роль ўйнайди. У коммунистларни жамоат ишига тортишнинг асосий воситаси бўлиб, уларни ишчанлик, талабчанлик руҳида тарбиялайди, амалий иш жараёнида чиниқтиради.

Район партия ташкилоти КПСС XXIV съезди қарорларига изчиллик билан амал қила бориб, коммунистларнинг активлигини оширишга, партия топшириқларининг бажарилишини назорат қилишга алоҳида эътибор бермоқда. Райком пленуми ва бюро мажлисларида, партия йиғилишларида бу масала ҳаммавақт диққат марказида туради.

Райондаги мавжуд 116 та бошланғич партия ташкилоти ўз сафларига 3100 дан ортиқ коммунистни бирлаштирган. Булардан 17 та бошланғич партия ташкилотида комитет, 26 та бошланғич ташкилотда эса партбюро тузилган. Комитет ва бюро аъзоларининг ҳаммаси партия топшириқларига эгадирлар.

Райком ходимлари бошланғич партия ташкилотларида партия топшириқларининг қандай бажарилаётганини мунтазам назорат қилиб борадилар. Партиявий-ташкилий ва оммавий-сиёсий ишларнинг қўйилишига оид комплекс ҳисоботлар бюро мажлисларида планли равишда тинглаб борилади, бошланғич партия ташкилотларининг диққат-эътибори қабул қилинган қарорлар ва партия топшириқларининг аниқ бажарилишига, сўз ва иш бирлигига қаратилади. Райком инструкторларидан О. Раҳмонов, Ю. Зарипов, Э. Эшчоновлар бошланғич партия ташкилотларида тез-тез бўлиб, коммунистларнинг ишчанлиги ва ташаббускорлигини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор бермоқдалар. Бошланғич партия ташкилотлари секретарларига партиявий-ташкилий ишларни такомиллаштиришда амалий ёрдам кўрсатаётирлар.

Район партия комитети совет, касаба союз, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотларига партиявий таъсирни кучайтириш, уларнинг фаолиятини партия ва ҳукумат қарорларини оғишмай амалга оширишга сафарбар этиш масаласига доимий аҳамият бериб келмоқда. Жамоат ташкилотларида коммунистларнинг активлиги ва ташаббускорлиги ошиб боряпти. Район Советларининг 131 депутатидан 65 киши, қишлоқ Советларининг 793 депутатидан 340 киши коммунистлардир. Улар ўзларининг халқ хизматкори сифатидаги бурчларини оқлашда, партия топшириқларини бажаришда ибрат кўрсатмоқдалар.

Кўпгина ишчан ва тажрибали коммунистларга касаба союз ташкилотлари ҳамда халқ контроли органлари ишларига раҳбарлик қилиш, конкрет ёрдам кўрсатиш соҳасида партиявий топшириқлар берилган.

Сиёсий-тарбиявий иш партия ташкилоти фаолиятининг ажралмас қисмидир. Чунки, хўжалик ва маданий қурилиш соҳасидаги вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши кишиларнинг сиёсий онглилигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бизда кўпчилик коммунистлар идеология иши бўйича партиявий топшириқларга эга. Коммунистлардан 20 киши агитколлективларга, 59 киши агитпунктларга раҳбарлик қилмоқда. 70 коммунист штатсиз лектор ва сиёсий докладчидир. Сиёсий ахборотчилар, агитаторлар, сиёсий ташкилотчилар ва пропагандистлар орасида ҳам коммунистлар салмоқли ўрин эгаллайди.

Район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари коммунистларга партиявий топшириқ беришда ҳар бир ходимнинг қобилияти, билими ва тажрибаси, бошқа жамоат ишлари билан бандлиги кабиларни ҳисобга оладилар. Коммунистларнинг ҳаммаси конкрет топшириққа эга бўлиши тўғрисида ғамхўрлик қиладилар. Ҳеч бир коммунист партия ташкилоти фаолиятидан четда қолмайди.

Партия топшириғига эга бўлмаган коммунистнинг жамоатчилик фаолияти ва ишга бўлган масъулияти сусаяди. Ана шу сабабли доимий партия топшириғи олмаган коммунистларнинг махсус ҳисобини юритиш, уларга мавсумий топшириқлар бериб бориш керак. Биз ана шу қоидага изчил амал қилмоқдамиз. Партия йиғилишларини тайёрлаш, турли текширишлар ва маданий тадбирларни амалга ошириш каби ишларда қатнашиш сингари топшириқлар бериб борилади ва унинг ижроси қаттиқ назорат остига олинади.

Ўтган беш йил мобайнида районимиз пахтакорлари планда белгиланган 301 минг тонна ўрнига 375 минг тонна пахта сотдилар. «Октябрь 40 йиллиги», «Ленинград», Охунбоев номли, Киров номли, Чапаев номли, «Москва», «Коммунизм», Аваз Ўтар номли колхозларда пахта етиштиришни кескин кўпайтиришга муваффақ бўлинди. Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам жадал суръатлар билан ривожланди.

Район партия ташкилоти ишлаб чиқаришга партия раҳбарлигини яхшилаётганлиги, коммунистларнинг авангардлигини таъминлаётгани натижасида тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йилидаги якунлар қувончли бўлди. 19 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40,7 центнердан пахта йиғиб-териб олинди ва давлатга 77 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» сотилди. Илғор хўжаликларда пахта ҳосилдорлиги 43-44 центнерга етди.

Коммунистларнинг топширилган иш учун масъулияти оширилгани, уларга нисбатан талабчанлик кучайтирилгани, хўжаликка раҳбарлик такомиллаштирилгани экономика ва маданий қурилиш соҳасида эришилган ютуқларнинг ҳал қилувчи омили бўлди. Айниқса партиянинг асосий бўлган бошланғич ташкилотларнинг жанговарлиги ошди.

Эътироф қилиш керакки, райком ва бошланғич партия ташкилотлари коммунистларнинг активлигини ва авангардлик ролини оширишда, уларнинг куч-ғайратини етилган вазифаларни ҳал қилишга қаратишда талаблар даражасида ишлаётирлар, деб бўлмайди. Баъзи бошланғич партия ташкилотларида қарорларнинг ижросини назорат қилишда, партия топшириқларининг бажарилишини таъминлашда, кадрлар билан ишлашда изчиллик ва принципиаллик етишмаяпти.

Жамоат чорвачилигини, боғдорчиликни ривожлантириш, қишлоқ маданиятини юксалтириш, мактабгача тарбия муассасаларини кенгайтириш, маданий-маиший тармоқларнинг ишларини яхшилаш соҳасида кўпгина қарорлар қабул қилинди. Аммо ана шу соҳаларда ҳали ҳам жиддий камчиликлар бор. Бунинг сабаби равшан. Бошланғич партия ташкилотлари қарорлар ижросини, сўз ва иш бирлигини таъминлашда етарли фаолият кўрсатмаётирлар. Ҳар бир коммунистнинг топшириғини иш учун масъулияти, партиявий топшириқни бажаришда ташаббускорлиги оширилмаган.

Баъзан ишда масъулиятсизлик, интизомсизлик, жамоат тартибини бузиш каби фактлар учрайди. Бундай ҳоллар сиёсий-тарбиявий иш яхши ташкил этилмаганлиги сабабли рўй беради. Идеология иши учун жавобгар бўлган, конкрет топшириқ олган коммунист, агитатор ёки сиёсий ахборотчи, штатсиз лектор ёки сиёсий докладчи ўз вазифасини виждонан бажармаса, бунга бефарқ қараб бўлмайди-ку ахир! Бир мисол: ойлаб чиқарилмаган деворий газетага, газетасн янгиланмаган витринага кўзингиз тушади. Бунга ўхшаш камчиликлар баъзи коммунистларнинг беparволиги оқибати эмасми? Партия ташкилоти бундай фактларга бефарқ қарамаслиги, ҳар бир топшириқнинг бажарилишига эришмоғи зарур. Шунда ишимиз янада самарали, муваффақиятларимиз тағин ҳам кўпроқ бўлади.

Районимиз коммунистлари ва барча меҳнаткашлари тўқкизинчи беш йилликнинг юксак марраларини муддатидан илгари эгаллаш, эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш учун астойдил кураш олиб бормоқдалар. Район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари коммунистларнинг активлиги ва ташаббускорлигини ошира бориб, КПСС XXIV съезди белгилаб берган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлайдилар.

М. МАТКАРИМОВ,
Янгиариқ район партия комитетининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Коммунистлар ҳақида ҳикоялар

ДЕҲҚОН

Мезоннинг ипак толалари илашган тутларнинг қуюқ барглари сеҳрли шивирлайди. Ун гектарли майдонда кумуш булутлар айқаш-уйқаш бўлиб, кўпириб-тошиб ётибди. Пайкаллар ям-яшил либосини ечиб, момиқ таналарини кўз-кўз қилаётгандек, ўзига имлаётгандек.

Алихоннинг юраги ҳаприқиб, яшил ойнали кўзойнагини беихтиёр қўлига олди. Минг чанок қуёш бўлиб, хаста кўзларга нур найзаларини санчгандек бўлди. У шошиб кўзларини ерга олди. «Кўзни авайланг, биродар, ёруғдан ҳимоя қилинг, чангдан сақланг...». Алихон кўзини операция қилган хирургнинг маслаҳатини хотирлади, кун санади. Шифохонада ётиб яна даволаниши белгиланган муддат ҳам яқинлашиб қолибди.

Ўзига қолса, бригадани бир кунга ҳам ташлаб кетгуси йўқ. Коллектив аҳил, тиришқоқ бўлгани билан раҳбарнинг ўрни бўлак экан. Бўлмаса, айни асадда, кузга кўз тиккан деҳқон экинни ясатадиган даврда бригада дакки ермиди! Алихон шифохонада эди ўшанда. Меҳнатни ташкил этиш, парвариш ишлари сал бўлмаса ўзибўларчиликка тушиб қолаёзган экан. Газетадан келган мухбир бутун район олдида бригада шаънига чунонам аччиқ гаплар айтибдики! Алихон қеч қачон бундай таъналарнинг таъмини тотмаганди.

Йўқ, у бригадани ташлаб кетмайди, кетолмайди. Мажбурият бажарилгунича шу ерда бўлиши керак. Қолаверса, ўртада орият ҳам бор.

...1970 йилнинг якунлари колхоз йиғилишида чуқур анализ қилинди. Ҳар бир бригаданинг ишига баҳо берилди. Айниқса, ўн йилдан бери планни уддалай олмаётган 6-бригада шаънига анчагина қаттиқ-қурум гаплар бўлди. Чамаси правление бригада бошлиғини яна алмаштириш ниятида шекилли. Бу safар кимни лозим топишаркин?

Навбатдаги умумий партия йиғилишида хўжаликнинг ҳамма ишлаб чиқариш участкаларини коммунистлар билан мустаҳкамлашга аниқса, қолоқ бригадалар раҳбарлигини партия аъзоларига топириш ҳақида қарор қилинди. Йиғилиш 6-бригада раҳбарлигига Алихон Исмоиловни лозим топди.

Бригада ерлари ўйдим-чуқур, пастбаланд қилиб шудгорлаган, асфальт йўл ёқасидаги ер юзига эса гўнг аралаш похол, хас-хашак сочиб ташланган. Хулқас, ер ўз ҳолига ташлаб қўйилган эди. Алихон бригада аъзоларининг юрагига «ўт» сололди. Улар бир ҳафтанинг бақридан кечиб карталарни текислашди, тозалашди. Худди ўша кунлари Алихон ва бригада аъзолари юракларини қиймалаб юрган дарддан халос бўлишди: «Тошкент» навли чигит экишди. Бу, ғўза айни қарқара бўлганида межруҳ қилиб қўядиган бешафқат «шол» — вилтни йўқотиб юбориш имконини беради.

Бригадир қайта туғилган коллективнинг дилида ўз кучига, маъмур кузакка ишонч туғдира олди. Вилтни писанд қилмайдиган «Тошкент» нави тўғрисида, унинг серпуштлиги ҳақида суҳбатлар қилди. Натижада коллектив ишга жазманлик билан киришди. Ҳадемай ниҳолчалар ер бетини яшнатди. Ёрга оёқ тираб, қуёшнинг нур ипларига илашиб бўй чўза бошлади. Бригада аъзолари кўкламдан бошлаб куз хирмонининг тош босишини ўйлашди.

Шу ўринда бир воқеани айтиб бермоқчиман. Зеро, у Алихоннинг мақсад сари интилишидаги қатъиятни тасаввур қилишда ёрдам беради.

Сербайрам май кунларининг бири эди. Ой сутли нур қуяди, роҳатбахш шабада канотида байрам нафаси, кўй ва қўшиқ кезади. Ярим тунда кўчада одамлар ҳай-ҳайлашиб қолишди. Бунинг сабаби — Анҳорга сув сиғмай оқиши, аллақаерда тошиб кўчага ҳам чиққани эди. Мироб шошганидан қиргоқ бўйлаб у ёқдан — бу ёққа югурарди. Худди шу пайт «газикда район суғориш тармоқлари бошқармасининг бошлиғи ва қўлида тўғон қалитларини шалдиратиб Алихон келиб қолди. Бошлиқ билан мироб ўртасида даҳанаки жанг қизиб, сан-манга ча боришди. Кейин иккаласи бир бўлиб, қизиқ устида танлаб-танланмаган сўзлар билан Алихонни «дўппослашди». Аммо, у бир сўз демади. Бу вазиятда фақат ўзини босиб олган, вазмин табиатли кишигина мувозанатини йўқотмаслиги мумкин эди.

...Хазонрезгиликка ихтиёр берган тутларнинг учларига илашган мезоннинг ипак иплари нозик титрайди. Оламда куз кезади.

Алихон бир чанок пахтани бармоқ учлари билан титкилайди.

— Ўрта ҳисобда 8—9 тадан, — дейди у ва чигитларни тишига босади. — Ҳаммаси ҳам тўла, миқти. Тош босаётгани ҳам шундан.

— Сири нимада?

— Сувда, сувчида, — дейди у одати бўйича бошини бир ёнга ташлаб. Айниқса, биринчи сувда. Ғўзанинг бошига қуёш тегса, илдизи нам изғайди. Ўқ илдиз ер бағрига чуқур кириб меёрига етгач, сув қуйилса, ғўза бақувват ўсади. Эртароқ сув таралса борми, ниҳол патак илдиз ёзиб, бўй чўзади-ю нимжон бўлади. Бундай ғўзаларда битган кўсак майда, чигити кам, пучроқ пахтаси тош босмайдиган бўлади, — Алихон нигоҳи билан майдонни қамраб, бир зум тин олди. — Мана шу картада чигит бехато унди. Кўрган ҳавас қилади. Бир кун эрталаб эгат оралаб чиқдим, сув тарашга эртароқ кўринди. Кечқурун уйга қайтаётиб, яна ораладим. Назаримда, ҳар туп ғўза «сув!» деб чирқираётгандек туюлди. Тинчим бузилди. Байрамни ўртага солиб, миробни аврадим, тўғоннинг калитини олдим. Уша тун сувчилар билан сув тарадик... Мана, машина шу майдонни уч оралаб 37 центнердан териб берди...

Фақат шу майдонгина эмас, мавжуд 78 гектар ернинг ҳаммасида ҳосил мўл бўлди. Алихон бошлиқ бригада заршунослари ҳар гектар ердан 30 центнердан «оқ олтин» топширдилар. Ҳосилдорлик бир йўла 8 центнер ошди...

Бу-ку ўтган йилнинг якуни. Бригада тўққизинчи беш йилликнинг иккинчи йилида янада юксакроқ маррани эгаллаш учун отланган. Мўл ҳосилга пухта замин тайёрланяпти, ҳозир.

...Ер ва деҳқон. Агар одамзодни меҳнат яратган бўлса, ер — она. Унинг сийнаси ҳамиша неъматга тўла. Ундан баҳраманд бўлиш учун ерга оқибатли, меҳрли бўлиш керак. Киров номли колхоз бригада бошлиғи коммунист Алихон Исмоилов ана шундай кишилардан.

О. ЖОРҚИНБОЕВ,
Янгийўл райони.

ОНАХОН

Зуҳра Қосимова бахти кулган минглаб хотин-қизларнинг бири. У Бухоро шаҳридаги трикотаж фабрикасида ҳалол меҳнат қилади. Моҳир ишчи корхона билан қадамма-қадам ўсди. Улуғ Ватан уруши йилларида оддий дастгоҳларда ишлади. Сўнгра аёллардан биринчи бўлиб, цех бошлиғи вазифасига кўтарилди. Кўп ўтмай улуғ Ленин партияси сафига ўтди. Шундан кейин бир ғайратига ўн ғайрат қўшиб ишлай бошлади.

Ёш коммунист фабрика қошида биринчи бўлиб шогирдлар тайёрлаш мактабини ташкил этди. Ўшандан буён корхонада юзлаб хотин-қиз ишчилар малака оширдилар. Ишлаб чиқариш қувватларини ошга солиш, меҳнат унумдорлигини кўтаришда аёллар алоҳида ғайрат кўрсата бошладилар. Эндиликда улар орасидан М. Ҳасанова, Г. Ғуломова, Г. Ҳалимова сингари ишбилармон инженерлар етишиб чиқди. Моҳир ишчи, дилкаш ва меҳрибон устоз Зуҳра Қосимова фабрика қошидаги шогирдлар тайёрлаш мактабида ёш ишчи хотин-қизларга дарс беряпти.

— Фабрикамизда ўн етти миллат фарзандлари меҳнат қиладилар, — дейди корхона директори Исмоил ака Фозилов, — уларнинг деярли ҳаммаси Зуҳра опа мактабида таҳсил кўрган чеварлардир. Масалан, ўзбек Муфаррах Ҳасанова, тожик Саида Набиева, рус Вера Планина, корейс Александра Ким, яҳудий Неккадам Мушеева, озарбайжон Гулбон Гасанова каби ишчиларимиз Зуҳра опани «бизнинг онахонимиз» дейишади.

Зуҳра опа Қосимова оиласини Бухорода «ишчилар сулоласи» деб ҳам аташади. Бунинг боиси бор, албатта. Унинг турмуш ўртоғи — Иброҳим ака трикотаж фабрикасининг бўёқчи устасидир. Катта ўғли — Ҳабиб пойафзал фабрикасида моҳир бичувчи. У область Советининг депутати. Кейинги ўғиллари Қаҳрамон тикув цехининг мастери. Расулжон механик. Келинлари — Мўмина, Ҳусния. Маҳбубалар ҳам пешқадам ишчилардан. Кичик фарзандлари Раҳим, Раҳмат, Раҳмон ва 20 га яқин невара-чеваралари мактабларда ўқимоқдалар.

А. НАЗИРХУЖАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбири.



Қарши шаҳри йилдан-йилга чирой очиб бормоқда. Суратда: сўнгги йилларда қад кўтарган кўп қаватли маданий-маиший ва турар-жой биноларини кўриб турибсиз.

НИШОН ЮЗ ОЧМОҚДА

Директива объектлари йўқламаси

«Восток» совхозининг маркази — Қарши даштидаги тўнғич посёлкадир. Бу ерда кўплаб турар-жойлар, саноат зонаси барпо этилмоқда, водопровод ва газ қувурлари ўтказилаётир. Посёлкани «Каршипромжилстрой» трестининг 2- механизациялашган кўчма колоннаси бунёдкорлари қуришмоқда.

Коммунист Николай Михайлович Сикуло посёлка қурилишига биринчи бўлиб келганлардан. 1966 йилда Қарағанда политехника институтининг қурилиш факультетини сиртдан тамомлаган ўртоқ Сикуло Мирзачўлда колхоз-совхоз посёлкаларини барпо этишда фаол қатнашди. У оддий ишчи, мастер, участка бошлиғи бўлиб ишлаб, янги посёлкалар қуриш борасида катта тажриба орттирган. Ҳозир у Қарши чўлидаги 2- механизациялашган кўчма колоннанинг бош инженери.

— Посёлканинг пойдеворини 1970 йил октябрь ойида қўйгандик, —деди у, — ҳозиргача кўплаб турар-жойлар, болалар боғчаси, устахоналар, омборлар ва бошқа бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Посёлка қурилиши жадал суръатлар билан давом эттирилмоқда. Бунда Николай Левин бошлиқ 1- қурилиш участкаси бунёдкорларининг иши мақтовга сазовордир. Улар 1971 йилда икки хонали 55 та уй қуриб беришди, посёлка ичкарисида уч километрли йўл қуришди, 4,5 километрли темир-бетон новлари ўрнатишди. Бундай ишларни амалга оширишда Николай Гаврилов, Ҳабиб Хайруллин, Леонид Ивашченко, Бегмамат Холмуродов ўртоқлар етакчилик қилаётган қурилиш бригадалари азаматларининг ҳиссаси каттадир. Улар биринчи квартал охиригача бир қаватли яна 22 уй, 140 ўринли болалар боғчаси ва икки қаватли маъмурий бинони қуриб фойдаланишга топширишмоқчи.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССРнинг Қарши даштидаги ерларни суғориш ва ўзлаштириш ишларини жадаллаштириш тўғрисида»ги қарорини изчиллик билан амалга ошираётган бинокорлар уй-жой, мактаб, клуб, кинотеатр, касалхона ва бошқа маданий-маиший ҳамда ишлаб чиқариш биноларига эга бўлган шаҳар типидаги посёлка қуришга ҳаракат қилмоқдалар. Унинг 1-навбати шу йил тугалланади. Унда майдони 11 минг 325 квадрат метрли уй-жой ва бошқа бинолар барпо этилади, Нишон саноат базаси қад кўтаради.

Кўпгина объектларда қурилиш ишлари қизғин бормоқда. «Каршипромжилстрой» трестига қарашли 2- механизациялашган кўчма колоннанинг нормаловчиси Валентина Степановна Сазонова асли оренбурглик, Целиноград қурилиш техникумини тугатган. Иттифоқимиздаги кўпгина йирик қурилишларда қатнашган. Қарағанда металлургия заводи, «Устбалик-Омск» нефть қувури, Қоратов сув омбори қурилишида ишлаган. Сазонова доимо иш бошида, нарядининг аниқ тузилишини назорат қилади, қурилишга ажратилган маблағнинг беҳуда сарфланмаслиги учун курашади.

— Мана бу бино — болалар боғчаси, — деди у яқиндагина қуриб тугалланган икки қаватли иморатни кўрсатиб, — ҳозир унда «Ирмонтажстрой» трестига қарашли махсус монтаж ишлари бошқармасининг Темир Ҳасанов раҳбарлигидаги участка бунёдкорлари ишлашмоқда. Улар водопровод, газ ва канализация тармоқларини монтаж қилмоқда.

— Посёлка қурилишининг дастлабки кунларидан қатнашаётганлигимиз билан фахрланамиз, — деди прораб Т. Ҳасанов,—1970 йилнинг октябрь ойидан буён «Нишон — Восток — Чароғон» линияси бўйича 14 километрли сув қувури, 8 километрли канализация тармоқлари ўтказилди. Бундан ташқари қурилиб ишга туширилган 80 га яқин уй-жой ва бошқа биноларда ички коммуникация ишларини бажардик. Бундай муваффақиятларни қўлга киритишда монтажчилар Виктор Шалопутин, Иван Артемчик, коммуникациячи Карим Ҳакимов, Анатолий Волков, газ пайвандчи Инат Тошев, слесарь Субон Худойқулов, электр пайвандчи Александр Точицкий ўртоқларнинг ҳиссаси катта бўлди. Уларнинг ғайрат-шижоат кўрсатиб ишлашлари туфайли 50 минг сўмлик иш қилиниб, белгиланган монтаж ишлари ойлик плани аллақачон ортиғи билан уддаланди. «Каршипромжилстрой» трестига қарашли механизациялашган қурилиш бошқармасининг 3-кўчма колоннаси, 1-, 5-автомобиль транспорти идоралари, «Ирмонтажстрой» трестининг 1-механизациялашган кўчма колоннаси коллективлари ҳам фидокорона ишламоқдалар.

«К-161» маркали 16 тонналик кранни тажрибали машинист Адҳам Сирожиддинов моҳирлик билан бошқармоқда. У шофёр Қаюм Бекмиров машинада олиб келган қоришмани ва панелларни бунёдкорларга кўтариб бериб, қурувчиларнинг оғирини енгил қилмоқда. Ҳар қандай қурилишнинг муваффақияти бош пудратчи, буюртмачи ва ёрдамчи пудратчиларнинг бир ёқадан бош чиқариб ишлашларига боғлиқ. Улар ҳамкорликда ишлаганликлари туфайли шундай ютуқларга эришмоқдалар. Посёлка қурилишининг биринчи навбати 1972 йилнинг охирида тугалланади. Марказий усадьбадаги уйлар бир қаватли ва кўп хонали бўлади. Уларда 6 мингга яқин оила истиқомат қилади.

Бу янги совхоз далаларида ҳам қурилиш ишлари қизғин. Бўз ерларда темир-бетон новлари ўрнатиляпти. Ҳозирғача 500 гектар майдонда ирригация ва мелиорация тармоқлари тахт қилинди.

Бу Қаршидаги қалдирғоч хўжалик бўлиб, фақат пахтачилик билан шуғулланади. 1973 йилда 3 минг, 1974 йилда 2 минг 300 гектар бўз ер ўзлаштирилади. 1974 йилда ҳар гектар ердан 12 центнердан, 1975 йилда 27 центнердан чўл пахтаси етиштириш мўлжалланган. Совхоз посёлкаси қурилишига ва янги ерларни ўзлаштиришга сарфланган маблағлар 10 йил ичида тўла қопланади.

Келажакда Қарши даштидаги 1 миллион гектарга яқин ерларда шундай 134 совхоз ташкил қилинади. Шундан 118 тасида «оқ олтин» етиштирилади. Тўққизинчи беш йилликда қурилиш-монтаж ишлари учун 487 миллион 390 минг сўмлик капитал маблағ ажратилган бўлиб, шундан 211 миллион 140 минг сўм Нишон сингари совхоз посёлкалари қуришга сарфланади. Ҳозир тўққизинчи ва 11-совхоз посёлкалари ҳам жадал суръатлар билан қурилмоқда. 1972 йилда 5- ва 6-совхоз посёлкалари қурилиши ҳам бошлаб юборилди.

...Дашт инсон измига бўйсинмоқда. Бу ерга меҳнат баҳори келиб бўз ер уйғонмоқда. Ҳадемай барака уруғини қадайдиган кун келади. Бу кун жуда яқин.

С. САЛАЕВ.

УЗОҚДАГИ ФЕРМАЛАРГА ОМУХТА ОЗУҚАЛАР

Тўйимли озуқалар ортилган машиналар Қизилтепадаги омухта озуқа заводидан чиқиб, Қизилқум чўллари томон йўл олмоқда. Бу чўлларда Бухоро ва Қашқадарё областларидаги хўжаликларнинг фермалари минг-минглаб қоракўл қўйларини боқмоқда. Озуқа заводи кун бўйи тўхтовсиз ишламоқда. Ҳозирги қаҳратон совуқ кунларда қўйлар учун озуқалар «кучайтирилган» рецепт бўйича энг яхши ем, кепак, гидролиз ачитқилардан минерал туз, витамин ва микроэлементлар қўшиб тайёрланмоқда.

Яхши тўйимли омухта ва аралаш озуқаларни Қогон, Қарши, Каттақўрғон заводлари, бошқа корхоналар ҳам чорвачилик хўжаликларига тайёрлаб бермоқда. Бу корхоналар Қизилқум чўлидаги ва республиканинг тоғ этакларидаги олис фермаларга ҳар куни 600 тонна тўйимли озуқа юбориб турибди.

Ўзбекистон ССР Тайёрлаш министрлигининг ихтисослаштирилган корхоналари чорвачилик колхозлари ва совхозларига йил бошидан бери ўтган йилнинг шу вақтидагига нисбатан учдан бир ҳисса кўп, яъни 64 минг тонна омухта озуқа тайёрлаб берди. Самарқанд области хўжаликларининг фермалари ўн бир минг тоннадан кўпроқ, Бухоро областининг фермалари тўққиз минг тоннага яқин тўйимли озуқа олди.

Республиканинг омухта-озуқа индустрияси корхоналари шу йилнинг биринчи кварталида 162 минг тонна ёки пландагидан 30 минг тонна кўп тўйимли озуқа тайёрлаб беради. (ЎзТАГ).

МИРЗАЧЎЛДА ЯНГИ ПАХТАЗОРЛАР

Мирзачўл марказидаги Дўстлик ва Мирзачўл районларида 16500 гектар қўриқ ерни ўзлаштириш мақсадида олиб борилаётган комплекс-ишлар ниҳоясига етказилди. Ер ости шўр сувлари даражасини пасайтириш, шундай қилиб тупроқ шўрини кетказиш учун «Дренажстрой» трестининг коллективи мана шу майдонда 1600 километр ёпиқ зовур тайёрлаб қўйди. Ер яхши текисланиб, сув оқадиган ариқлар тахт қилиб қўйилди. «Янгиерводстрой» трестининг механизаторлари 350 километрга яқин нов қуриб берди, юз минг куб метрга яқин тупроқ қазиб ерни текислаб бердилар.

Янги ерларда тўртта совхоз қурилмоқда. Бу йил жадаллик билан қурилаётган мана шу совхозлар 40 минг тоннадан мўлроқ пахта етиштириб, давлатга топширишни планлаштирмоқда.

Чўлқуварлар тўққизинчи беш йилликда Мирзачўлда яна бир юз ўттиз минг гектар қўриқ ерни комплекс ўзлаштириш ишларини бажаришлари керак. Бу ерларда ўнта янги пахтачилик совхози ташкил этилади. Шундай қилиб, Мирзачўлда уч юз минг гектар шўрхок ерларни ўзлаштиришнинг бош плани тўла-тўкис бажарилади. (ЎзТАГ).

«СССРНИНГ ЭНГ ЯХШИ АЛОҚА МОНТАЖЧИСИ»

БУХОРО. Шофиркон районидаги Охунбобоев номли ва Вобкент районидаги Ленин номли колхозларда янги автомат телефон станциялар фойдаланишга топширилди. «Узбексвязстрой» трести Бухоро алоқа қурилиш-монтаж бошқармасининг И. Греценко бошчилигидаги монтажчилар бригадаси телефон станцияларни ишга туширишда катта хизмат кўрсатди. СССР алоқа министрининг буйруғи билан И. Греценкога «СССРнинг энг яхши алоқа монтажчиси» фахрий унвони берилди.

Бригада коллективи бу хабарни барча монтажчилар хизматига берилган юксак баҳо деб ҳисоблаб беш йиллик иккинчи йили планини муддатидан бир ой олдин бажариш тўғрисида оширилган мажбурият қабул қилди. (ЎзТАГ).

АХБОРОТ

БУХОРО

ҚИШДА ПИШИҚЧИЛИК

Область қишлоқ хўжалик тажриба станцияси шаҳар аҳолисига кўплаб сабзавот маҳсулотлари етказиб бермоқда. Ўтган хўжалик йилида бу ерда пландагидан 600 центнер кўп ҳосил йиғиб олинганди. Сабзавоткорлар бу йил ҳосилдорликни гектар бошига 8-10 центнер ошириш учун қизғин иш олиб бормоқдалар.

Хўжалик теплицасида турли резавор ўсимликлар етиштириляпти. Ҳозир теплицада айни пишиқчилик. Миришкорлар янги узилган помидор, бодринг, пиёз ҳосилини шаҳар дўконларига жўнатмоқдалар. Шаҳарликларга дастлабки бир неча ўн центнер хилма-хил сабзавот маҳсулотлари етказиб берилди.

БЕПУЛ АВТОМАШИНАЛАР

Улуғ Ватан уруши инвалидлари, меҳнат ветеранлари ва пенсионерларга ғамхўрлик кучайтирилаётир. Область социал-таъминот бўлими Улуғ Ватан уруши, меҳнат инвалидларидан қарийб 50 кишига бепул «Москвич», «Запорожец» автомашиналари ҳамда анчагина мотоколяска тарқатди.

Пенсионерлар ва инвалидларга уй-жой, курорт ҳамда пансионатларга бепул путёвкалар биринчи навбатда бериляпти.

ТЕЛЕЖКАГА ОЛТИН МЕДАЛЬ

Бухоро шаҳридаги ремонт-механика заводи коллективи кумлик жойлар ва чўл шароитига мослаштирилган янги типдаги «Т.10», «Т.20» маркали тележкалар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Корхонага Москвадан хушхабар келди: Завод цехларида кўплаб тайёрланаётган мазкур тележкалар СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг дипломи ва олтин медали билан мукофотланди.

Мукофот корхона ишчи-хизматчиларининг ғайратига-ғайрат қўшди. Завод ихтирочи ва рационализаторлари тўққизинчи беш йилликда халқ хўжалиги учун янада серунум машина-ускуналар етказиб бериш тадбирларини кўрмоқдалар.

ДЎСТЛИК МАДҲИЯСИ

Область ўлкани ўрганиш тарихи музейида СССР ташкил топган куннинг 50 йиллик юбилейига муносиб ҳозирлик кўрилаётир. Музей коллективи Совет Иттифоқи халқлари дўстлигини мадҳ этувчи бўлим ташкил этди. Бу ерда Бухоро меҳнаткашларининг доҳий В. И. Ленинга йўллаган мактуби, Бухоро Халқ Республикасининг ташкил топиши, Бутуниттифоқ оқсоқоли М. И. Калининнинг Ўзбекистонда, жумладан қадимий Бухорода бўлишига доир ва бошқа фото-ҳужжатлар билан ҳам танишасиз.

Музей қошида СССР халқларининг қон-қардошлиги, Ленин орденли Бухоро области халқ хўжалигининг янги беш йилликда ривожланиш истиқболлари тўғрисида ҳикоя қилувчи кўчма стенд ҳам ташкил этиляпти.

Т. НАЗИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЭЛ СОҒЛИҒИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

Маълумки, грипп вируслар орқали тарқаладиган оғир юқумли касалликдир. Шу кеча-кундузда об-ҳавонинг тез-тез ўзгариб туриши натижасида киши организмининг касалликка берилувчанлиги ошди ва бундай ҳолатда грипп осонгина юқиши мумкин. Грипп касаллигини тарқатишда асосий манба биргина гриппга чалинган бемор бўлмай, балки кўринишидан соғ одамлар ҳам грипп вирусларини атрофга тарқатиши мумкин.

Ўтган йили грипп касаллигининг тарқалишида анчагина сокинлик йили бўлди. Шу кеча-кундуздаги маълумотлар бу йил грипп анча кўп тарқалганлигидан далолат бермоқда.

Бундан 40 йил муқаддам грипп касаллигининг тарқатувчиси ва сабабчиси вирус эканлиги аниқланди. Вирус жуда майда мавжудот бўлиб, уни фақат электрон микроскоп ёрдамида кўриш мумкин. Шундан бери дунёнинг бир қанча мамлакатларида бир неча юз лабораториялар грипп вируслари устида илмий-текшириш ишларини кенг кўламда олиб бормоқда. Бизда эса шу йўсиндаги илмий ишлар билан Москва ва Ленинградда иккита илмий-тадқиқот институти ва мамлакатимизнинг бир қанча шаҳарларида илмий-текшириш лабораториялари шуғулланмоқда.

Республикамиздаги Ўзбекистон эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институти ҳам инсон саломатлигига жиддий хавф солувчи грипп касаллигига қарши кураш ва унинг лаборатория диагностикасини такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўшиб келяпти.

Грипп вирусини ва унинг тарқалиш йўлларини ўрганиш ҳамда унга қарши эмлаш дориларини тайёрлаш борасида мамлакатимизда анчагина ишлар қилинди. Ҳозирги вақтда медицинамиз гриппга қарши курашда етарли воситаларга эга. Шунга қарамасдан ҳозирча бу қийин ва мураккаб муаммо охиригача узил-кесил ҳал этилмай келмоқда.

Фанга маълум бўлган ҳамда «А», «В», «С» деб номланган грипп вирусининг турлари ичида энг хавфлиси «А» тури ҳисобланади. Худди ана шу «А» тури жуда кўп эпидемия (касалликнинг бир мамлакатда ялпи тарқалиши) ва пандемия (касалликнинг қитъалараро ялпи тарқалиши)га сабаб бўлган. Аниқланишича, бунга «А» вирусининг ўз шаклини тўхтовсиз ўзгартириб туриши сабабчи бўлаётир.

ШИФОКОР МАСЛАҲАТИ

Маълумки, ҳар қандай юқумли касалликдан сўнг унинг сабабчисига нисбатан инсон организмида иммунитет (касалликка қарши чидамлилик) ҳосил бўлади. Бошқача қилиб айтганда, ана шу организм қайта шу касалликка чалинмайди.

Иммунитетнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, организмга кирган ҳар қандай вирус антигенлик (организмда ўзига қарши иммун моддалари ҳосил қилиш) хусусиятига эга бўлади. Организм антигенларга қарши иммун моддалар, яъни антителалар ҳосил қилади.

Грипп вируси (айниқса «А» тури) бошқа вирусдан яна шу билан фарқ қиладики, у ўзининг антигенлик хусусиятидаги оқсилларнинг таркибини доимо ўзгартириб туради. Шунинг учун организмда ҳосил қилинган антителалар оқсил таркиби ўзгарган янги кўринишдаги грипп вирусининг «А» турига таъсир кучини кўрсата олмайди.

Одамларнинг грипп касаллиги билан қайта-қайта оғриши шу сабабли рўй беради. Бинобарин, гриппга қарши курашнинг қийинлиги ҳам шундадир.

1918 йилда юз берган грипп пандемияси пайтида 20 миллионга яқин одам ҳалок бўлган эди. 1957 йилдаги грипп пандемиясида ҳалок бўлганларнинг сони дунё бўйича нисбатан кўп эмас; бизнинг мамлакатда эса жуда ҳам оз миқдорни ташкил этди.

Шуни қайд қилиш кераки, мамлакатимизда ихтисослаштирилган бепул медицина ёрдамининг жорий қилиниши, ҳозирги замон даволаш профилактик воситаларининг ўз вақтида қўлланилиши совет соғлиқни сақлаш ишининг устунлиги кишиларимизнинг ҳаётини ва соғлиғини сақлашни таъминлай олди. Совет медицинаси гриппга қарши бой тажрибага эга; ҳар йили миллионлаб болалар ва катталар гриппга қарши эмлачади. Гриппнинг олдини олишда гриппга қарши зардоблар ва лактоглобулинларни қўллаш яхши натижалар беряпти, касални оғир аҳволдан чиқариш учун донорлардан олинган гаммаглобулинлар, интерферонлар, антибиотиклар ва бошқа хил дори-дармонлар кенг ишлатиляпти. Гарчи бу дорилар айрим-айрим қўлланилганда фойдаси чегараланган бўлса-да, аммо биргаликда қўлланилганда сезиларли натижалар бериб, касалланувчиларнинг сонини камайтиряпти. Унинг кечишини енгиллаштиряпти.

Шу кеча-кундузда ҳар бир киши уйда ва хизмат жойларида санитария ва гигиена қоидаларига қатъий риоя қилишлари жуда катта аҳамиятга эга. Грипп билан оғриган бемор узини шамоллашдан ва қўл, оёқ ҳамда ганасини совуқ олдиришдан сақлаши керак. Беморни дарров алоҳида жойга ётқизиб, даволаш зарур. У юрмаслиги керак, чунки юриш вақтида ҳар хил асоратларга чалиниши, ҳамда атрофидагиларга грипп вирусини тарқатиши мумкин. Грипп касаллиги, айниқса болалар ва катта ёшдаги кишиларда оғир кечади. Оғир бронхит, отиг, гайморит, фронтит, арахноидит касалликларига чалинган беморларда грипп ниҳоятда қийин ўтади.

Табиийки, профилактика ва даволаш воситаларини фақат врач белгилаши керак. Аммо гриппга қарши кураш фақатгина медицина тадбирларидангина иборат, дейиш нотўғри тушунчадир. Корхона ва муассасаларда олиб бориладиган санитария тадбирлари ҳамда аҳоли орасидаги шахсий профилактика чоралари катта аҳамиятга эгадир.

Бундай қараганда, бу чоралар жуда арзимагандай кўриниб, баъзи саноат ва муассасаларнинг маъмуриятлари ҳамда касаба союз ходимларининг бунга бефарқ қарашлари туфайли грипп касаллигининг тезда авж олишига қулай шароит яратилади. Айниқса бунинг олдини олиш учун жамоат кўп тўпланадиган вокзал, аэропорт, кино-театр залларини тез-тез шамоллатиш, бино ичини вақти-вақтида икки процентли хлорамин эритмаси билан намланган латтада тозалаб туриш тавсия этилади.

Соф ҳаво инсон соғлиғининг гарови. Бу оддий шиор гриппга қарши курашда жуда қўл келади. Организмни чиниқтириш гриппга қарши чидамлиликни ошириш демакдир. Муассаса ва ташкилотларнинг ҳамда ўқув юртларининг маъмуриятлари ўзлари бошқараётган жойларда доимо санитария ҳолатининг юқори даражада бўлишини таъминлашлари керак.

Совет гражданларининг соғлиғи — Ватанимиз бойлиги. Уни ҳимоя қилиш умумхалқ ишидир.

А. ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ишлар бошқармаси соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири.

Сирдарё ГРЭСи КПСС XXIV съезди Директиваларида тилга олинган йирик объектдир. Шу кунларда ҳам ГРЭС бунёдкорлари ишни тобора жадаллаштирмоқдалар. Ўрток М. Қалашников бошлиқ монтажчилар бригадаси бош корпус монтажида яхши натижага эришаётир. Суратда: пешқадам бригаданинг бир группа ишчилари тасвирланган.

А. Тўраев фотолари.

Ажаб савдолар

ЙЎЛОВЧИДА НИМА АЙБ?

Абдуваҳоб ва бобоси Навоий районининг Бешработ қишлоғига — қариндошлариникига тўйга боришлари керак эди. Навоий шаҳрига поездда бир зумда етиб келишди. Лекин Навоийдан Бешработга бориш уларга ойга учишдан ҳам мушкул туюлиб кетди. Автовокзалга кеч соат беш-олтиларда келишганда Бешработга борадиган охирги автобус энди ўрнидан жилган экан. Бу ёғи нима бўлади? Бобо неварасидан такси тўхтатишни сўради. Бироқ автовокзалда биронта ҳам такси кўринмас, чамадон, сетка кўтарган одамлар катта йўлдан онда-сонда ўтиб қоладиган йўловчи машиналар кетидан чопиб қолишар, омади келгани илашиб жўнаб кетарди. Абдуваҳоб зилдай чамадон кўтариб, ўтган машинага осилишга шай бўлиб турган йўловчилардан бирининг тирсагидан тутди:

— Кечирасиз, такси қаерда тўхтайди?

— Қанақа такси?.. — ажабланиб сўради йўловчи.

— Шунақа такси... Одам ташийдиган такси...

— Бу шаҳарда такси йўқ, — деди йўловчи ва йўлда ўтаётган навбатдаги машина орқасидан ҳай-ҳайлаб югурди.

— Таажжуб, — деди чол соқолини сийпалаб, неварасидан «такси йўқ» жавобини эшитгач, — шундай катта шаҳарда ҳам такси бўлмайдими-а?

Э, бувам, бувам! Бу шаҳарда такси хизмати йўқ эмас, бор эди. Бор эдию, лекин ўтган йили март ойида шаҳардаги 98-автобаза бошлиқлари «ташаббус кўтариб» йўқ қилишган. Узун-қулоқ гапларга қараганда, ҳайдовчилар ўзлари рулида ўтирган такси машиналарининг давлатникими ёки ўзларига хусусий мулкми эканлигининг фарқига деярли бормай қўйишибди. Автобаза шаҳардаги такси хизматидан бир пақир ҳам даромад кўрмай қўйганмиш Ажабо, автобаза фойда кўрмаса, бунга йўловчилар айбдорми? Автобаза бошлиқлари ишни ўрнига қўя олмаса, нега энди бунинг учун йўловчиларни жазолаш керак экан? Уларда нима айб?

Навоий — юксалаётган шаҳар. Бунинг устига, атроф қишлоқлардан Навоий райони марказига иш билан келиб кетувчилар кўп. Айрим қишлоқлар нақ тупканинг тагида. Масалан, Навоийдан ҳали номини биз юқорида эслаган Бешработ қишлоғига борай десангиз, 15 километр йўл юрасиз. Мабодо, Туркистон қишлоғига борадиган бўлсангиз, 45 километр йўл босишингиз керак. Бундай олис манзилларга қуллинг ўргилсин таксининг илдам оёғи жула асқотадида?!

Ҳуллас, йўловчилар ҳали ҳам «англашилмовчилик»ка йўйиб юрган Навоийда такси хизматининг барҳам топиши масаласи устида Бухоро область автомобиллар трестининг раҳбарлари дўппини бир четга олиб қўйиб, бир ўйлаб кўрсалар яхши бўларди.

ЎЗБОШИМЧА КАССИР

Қўлдош ака қариндош-уруғлари билан дийдор кўришиш мақсадида Нарпайдан Ғиждувонга йўлга тушди. Самарқанд вокзалининг кассасидан поездда кетиш учун нархи 50 процент арзонлаштирилган имтиёзли билет олди. Чунки Қўлдош ака Раҳмонов Улуғ Ватан урушининг иккинчи группа инвалиди. Уруш инвалидлари эса улкан ғамхўрлик билан қуршаб олинган, уларга имтиёзли билетлар берилади.

Лекин Қўлдош ака Ғиждувон автовокзалига келиб, бошқача аҳволга дуч келди:

— Бу ерда унақа билет сотилмайди, — лоқайдлик билан деди кассир. Қўлдош ака гап уқтирмоқчи бўлган эди, у «ортиқча гапга тоқатим йўқ» маъносида касса туйнугини тарақлатиб ёпиб олди.

Қўлдош ака ялиниб-ёлвориб яна касса туйнугини очдирди, ўша 26 декабрь куни 70 тийин ўрнига 1 сўму 50 тийин тўлаб, билет олдида, 87-70 номерли автобусга ўтириб, жўнаб кетди. Лекин йўловчининг дили ранжиган эди.

«Ажабо, — дейди Қўлдош ака редакцияга йўллаган хатида, — наҳотки ҳамма жойда қабул қилинган тартиблар Ғиждувон автовокзалига ва унинг билет сотувчисига етиб келмаган бўлса?! Нима, ёки бу ер алоҳида оролми?».

Биз ҳам ҳайронмиз. Наҳотки, шундай бўлса?!

М. САФАРОВ.

«АЖАБ САВДОЛАР» НИМА БИЛАН ТУГАДИ

„Купеда савдо“

Газетанинг 1971 йил 16 октябрь сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган хабарда Тошкент—Қўнғирот поездининг 9-вагонида бир жойга иккитадан билет сотилгани ҳақида ёзилган эди.

Хабар юзасидан Тошкент проводниклар резерви раҳбарлари текшириш ўтказишган. Текширишда хабарда кўрсатилган факт тасдиқланган. Текшириш натижаси ўртоқлик судининг йиғилишида муҳокама қилинган. Проводник Мамонтованинг ёшлиги, ишга янги кирганлиги ҳисобга олиниб, у огоҳлантирилган. Проводник Комилов вагон ичкарисида бўлиб пассажирларга ортиқча билет сотилганидан бехабар қолган. Шунга қарамай ўртоқлик суди Комиловни ҳам огоҳлантирган.

Газета хабари проводниклар резервидаги ҳамма поезд бригадалари аъзолари ўртасида кенг муҳокама қилинган.

ҚИШКИ ОЛИМПИАДА

SAPPORO'72

✦ СССР СПОРТЧИЛАРИ 16 МЕДАЛНИ ҚЎЛГА КИРИТДИЛАР ВА 120 ОЧКО ТЎПЛАБ, XI ҚИШКИ ОЛИМПИАДАНИНГ ҒОЛИБИ БЎЛДИЛАР. ✦ САППОРОГА КЕЛГАН 107 СОВЕТ СПОРТЧИЛАРИДАН 33 КИШИ (КОМАНДА АЪЗОЛАРИ ҲАМ ШУ ҲИСОБГА КИРАДИ) ОЛТИН МЕДАЛЬ БИЛАН МУКОФОТЛАНДИ.



XI Қишки олимпиаданинг тантанали ёпилиши.

ОЛТИН МЕДАЛЬ СОВРИНДОРЛАРИ

Узоқ ва қисқа масофага чанғида югуриш бўйича олтин медаллар нишондори Вячеслав Веденин.

Муз устида жуфт бўлиб конькида фигурали учиш бўйича олимпиада чемпионлари Ирина Роднина ва Алексей Уланов.

Аёллар ўртасида чанғида югуриш мусобақасининг ғолиби Галина Кулакова.

ТАСС фотохроникаси.

СЎНГГИ КУН

Ниҳоятда қизғин спорт курашлари билан ўтган 11 кун 13 февралда XI қишки олимпиада мусобақаларига якун ясади. Шу кун жаҳон спорт тарихига янги-янги номлар, ажойиб рекордлар зарҳал харфлар билан битилди. Совет спорт шарафини ҳимоя қилган спортчиларимиз Оқ олимпиада сўнгги кунининг ҳақиқий қаҳрамонлари бўлдилар. Саппородаги Макоманаи стадиони узра Совет Иттифоқи гимни бир неча бор янграб, ўроқ-болғали совет байроғи ҳилпираб турди.

МУЗ УСТИ ШУНҚОРЛАРИ

Шу куни СССР хоккей терма командаси сўнгги жангга — ЧССР терма командаси билан беллашиш учун муз устига чиқдилар. Чемпионликка даъвогар бўлган ҳар иккала команда — жаҳон чемпиони СССР терма командаси ҳам, Европа чемпиони Чехословакия хоккейчилари ҳам моҳирона ўйин кўрсатиб спорт ишқибозларининг олқишларига сазовор бўлдилар. Чехословак хоккейчиларининг устма-уст қилган ҳужумларига қарамай, жаҳон чемпионлари зўр уюшқоқлик билан ўйнаб чехословак хоккейчиларини «доғда» қолдиришди. Блинов, Фирсов, Михайлов, Мишаковлар кетма-кет ҳужум қилиб аввало Дзурилло, кейин Холечекни дарвоза тўридан шайбаларни олишга мажбур этишди.

ЧССР терма командасидан Мартинец билан Черни иккита жавоб шайба киритишиб, ўйинни 5:2 ҳисобида тугатишга муваффақ бўлдилар. Шундай қилиб муз усти шунқорлари — СССР терма командаси Оқ олимпиадада биринчи ўринни эгаллаб олтин медални қўлга киритишди. АҚШ терма командаси иккинчи ўрин — кумуш медаль ва ЧССР терма командаси учинчи ўрин — бронза медални бўлишиб олдилар. Шведлар тўртинчи, финлар бешинчи, поляклар эса олтинчи ўринда қолдилар.

АВЛОДЛАР ЭСТАФЕТАСИ

Макоманаи стадионига тўпланганлар чанғида 10 километрга югуриш бўйича тўртлар эстафетасида совет спортчиларининг жасоратига офаринлар айтишди. Эстафетада москвалик Вячеслав Веденин чинакам қаҳрамонлик кўрсатди. У эстафета таёқчасини Федор Симашовдан қабул қилиб олганда норвегиялик Йос Харвикен анча илгарилаб кетган эди. Унга етиб олиш учун бир минут вақт керак эди. Спортда мўъжиза бўлмайди, дейишади. Лекин Ведениннинг иродаси бу ақидани чилпарчин қилди. У тўққизинчи километрда рақибини қувиб етди ва экстра-класслик бу спортчини орқада қолдириб кетди. Рақибининг ўн метрча олдинга ўтиб кетганини кўрган Харвикен маррага яқинлашганда руҳан енгилиб, йиқилиб тушди. Шундай қилиб, Владимир Воронков, Федор Симашов, Юрий Скобов ва Вячеслав Ведениндан иборат совет командаси 10 километрли масофани 2 соат, 4 минуту 47,94 секундда босиб ўтиб, эстафета ғолиби бўлди.

ХАЙР, САППОРО!

Ниҳоят мусобақалар тугаб, ғалвир сувдан кўтарилди. Японияниинг Саппоро шаҳрида ўтган XI қишки олимпиаданинг якунлари қуйидагича бўлди. СССР терма командаси 120 очко тўплаб биринчи ўринни эгаллади. Командамиз 8 олтин, 5 кумуш ва 3 бронза—16 медални қўлга киритишди. Хоккейчилар, чанғичи эркаклар командаси, фигурачилар Ирина Роднина ва Алексей Уланов; чанғичилар Галина Кулакова, Алевтина Олюнина ва Любовь Мухачева; биатлончилар Александр Тихонов, Ренат Сафин, Иван Бяков ва Виктор Маматовлар олтин медаль совриндори бўлишди. Иккинчи ўринни 4 олтин, 3 кумуш ва 7 бронза — 14 медаль олиб, 84 очко тўплаган ГДР командаси; учинчи ўринни эса 2 олтин, 5 кумуш, 5 бронза — 12 медаль олиб, 79 очко тўплаган аввалги Оқ олимпиада чемпиони Норвегия командаси эгаллади.

Олимпиада машъали охиста сўнади. Макоманаи стадионига тўпланганлар «Хайр, Саппоро!», «1976 йилда Денвер (АҚШ) да учрашгунча, хайр!» дея ўринларидан қўзғаладилар.

4х10 километрли эстафетада чанғида югуриш бўйича биринчи ўринни эгаллаган совет чанғичилари Ю. Скобов, В. Веденин, В. Воронков, Ф. Симашовлар.

Совет хоккейчиларига олтин медаль топширилябти. ТАСС телефотоси.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

10.55 — ТОШКЕНТ. 11.00 — Янгиликлар, 11.10 — **Қабристон орқали** (бадиий фильм), 12.30 — МОСКВА, 17.55 — ТОШКЕНТ, 18.00 — «Юлдузча», 18.30 — Ўзбек шоирларининг янги таржималари, 18.45 — Суҳбат, 19.05 — Ахборот, 19.20 — **Озарбайжон санъат усталари** (фильм-концерт), 20.00 — Миллионлар ленинча университети, 20.30 — Ахборот, 20.45 — Концерт, 21.25 — Қишлоқ хўжалик билимлари халқ телевизион университети, 22.00 — МОСКВА.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

12.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари, 18.15 — МОСКВА, 18.20 — Янгиликлар, 18.30 — Ўқувчилар учун кўрсатув, 18.50—Мультфильм, 19.00 — «Здоровье», 19.10 — Концерт, 20.00 — ТОШКЕНТ, 20.30 — МОСКВА. **Баскетбол:** ЦСКА — «Строитель» (Киев).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари, 21.50 — Концерт.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 15/II да **Флория Тоска,** 16/II да **Боғчасарой фонтани.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/II да **Олтин девор,** 16/II да **Парвона.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 16/II да **Хотинимнинг эри,** 17/II да **Ажаб савдолар.**

КИНО

25 камерадаги қиз — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Етти иқлим нарида — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ҳамроз (2 серия, ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Ўтган кунлар (ўзбек тилида) — «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Фронтдан қайтган солдат — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

«Ўзбекконцерт»

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

17, 18 февраль кеч соат 8 да

ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИ ВА ЁШ ИЖРОЧИЛАР ИШТИРОКИДА

КАТТА КОНЦЕРТ

«ЛИРИК КУЙЛАР КЕЧАСИ»

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Хабиба **ОХУНОВА,** Маҳмуджон **ИСОМУДДИНОВ** (Наманган), Жуманазар **БЕКЖОНОВ,** Қувондиқ **ИСКАНДАРОВ,** Дилбар **АБДУЛЛАЕВА,** Тамара **ЮНУСОВА;**

Солистлар: Шерали **ЖЎРАЕВ,** Гулчеҳра **ИСМОИЛОВА,** Азиза **ТЎЛАГАНОВА,** Собир **МАҲКАМОВ** ва бошқалар.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Программани — **ҒУЛОМ ТОЖИ-АЪЛОЕВ** олиб боради.

Билетлар кундуз соат 2 дан сотилади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Ишлар мудирлиги коллективи Ишлар мудирлигининг катта референти

Аҳмед Фатихович МУҲАМЕДИЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдиради ва марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги коллегияси, партия ва касаба союз ташкилотлари Ўзбекистон ССР маориф министрининг биринчи ўринбосари О. Г. Романовга отаси

Георгий Львович РОМАНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

СССР Давлат банкининг Ўзбекистон республика конторасы ва Ўзбекистон ССР Давлат меҳнат омонат кассалари ва Давлат кредити бошқармаси Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ишлар мудирлигининг катта референти

Аҳмед Фатихович МУҲАМЕДИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Республика «Узсельхозтехника» бирлашмасининг Наманган область бирлашмаси коллективи, партия ва касаба союз ташкилотлари Республика «Узсельхозтехника» бирлашмасининг раиси У. Исомхоновга отаси

Исомхон НАЖМИДДИНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ПЛАНЕТАМИЗДА

ВЕРСАЛДАГИ ЖАҲОН АССАМБЛЕЯСИДА

Ҳинди-Хитой халқларининг тинчлиги ва мустақиллигига бағишланиб ўтказилаётган жаҳон ассамблеяси ўтган якшанба куни Версалдаги конгресслар залида ўзининг якунловчи ялпи мажлисига тўпланди. Ҳужжатларнинг пойиҳаларини тайёрлаш билан шуғулланган комиссияларнинг иши тўғрисидаги ҳисоботлар делегатларга тақдим этилди.

Иқтисодий комиссиянинг доклади Ҳинди-Хитойдаги урушнинг шу райондаги давлатларнинг экономикаси учун ҳам, шунингдек, бошқа мамлакатлардаги иқтисодий аҳвол учун ҳам бўлган оқибатларига бағишланди. Ҳинди-Хитой, дейилади шу ҳужжатда, АҚШнинг Америка ҳарбий-саноат комплекси манфаатларини таъминлаш йўлида ўтказаётган иқтисодий ва сиёсий стратегиясининг майдони бўлиб қолди. Американинг «Локхид», «Женерал электрик», «Боинг» ва бошқа кўпгина энг катта монополиялари Ҳинди-Хитой халқларининг қони тўкилиши ва азоб-уқубат тортиши эвазига бойлик орттирмоқдалар. Америка интервентлари фақат жанубий Вьетнамнинг ўзидагина нуқул химиявий қурол ёрдами билан Американинг тўққиз штатидаги территорияга тенг келадиган майдонни вайрон қилиб ташладилар.

Ҳинди-Хитойдаги урушнинг янги жиҳатларини, шу район халқларига қарши Америка интервенциячилари қилган ҳарбий жиноятларни кўриб чиққан комиссиянинг докладини ассамблея якдиллик билан маъқуллади. Ҳозирги босқичда, дейилади шу докладда, Америка агрессияси ялпи урушга айланиб кетди. Бу урушда ялпи қирғин қилиш ва вайрон қилиш қуролининг янги турларидан жуда кенг фойдаланилмоқда. Барча тинчликсевар кучларнинг бурчи шуки, деб таъкидланади докладда, улар биргаликда яна тағин ҳам активроқ ҳаракатлар қилиб, АҚШни мана шу қонли қирғинни тўхтатишга мажбур этишлари керак.

Ҳинди-Хитой халқлари билан бирдамлик ҳаракатини кучайтириш мақсадида қилинаётган ҳаракатлар масалалари билан шуғулланувчи комиссиянинг француз делегацияси аъзоси Ф. Бланшар тақдим этган докладида Ҳинди-Хитойдаги урушга қарши кураш доирасида кўриладиган конкрет тадбирлар плани баён қилиб берилди.

Делегатлар сиёсий комиссия тақдим этган резолюцияни маъқулладилар. Шу резолюцияда АҚШ ҳукуматининг «саккиз моддадан иборат плани» ва АҚШ Ҳинди-Хитой халқларига қарши агрессияни давом эттириб ҳамда кучайтириб, жамоатчиликни алдашга уринаётганлиги фош қилинади. Бу можарони тугатиш йўлини, дейилади резолюцияда, Жанубий Вьетнам муваққат революцион ҳукуматининг етти моддадан иборат таклифида ва унинг шу йил 2 февралдаги баёнотида кўрсатиб ўтилган чоралардан қидирмоқ керак.

Ҳинди-Хитой халқларининг тинчлиги ва мустақиллиги учун кураш жаҳон ассамблеясининг чақириғини делегатлар сиёсий комиссиянинг таклифига биноан маъқулладилар.

Мажлиснинг охирида Ҳинди-Хитойнинг тўрт делегацияси вакили Хоанг Куок Вьетга сўз берилди. У ассамблея қабул қилган ҳужжатларга тўла равишда қўшилганлигини айтди ва Ҳинди-Хитойнинг курашаётган халқлари билан бирдамлик ҳислари мана шу халқаро анжуманда изҳор этилганлиги учун чуқур ташаккур билдирди.

Жаҳон ассамблеяси ўз ишини тамомлади. Бу ассамблея қатнашчилари Американинг Ҳинди-Хитойдаги агрессиясига қарши курашни кучайтиришга, Вьетнам, Лаос ва Камбоджанинг қаҳрамон халқларини қўллаб-қувватлашни активлаштиришга ўзларининг маҳкам бел боғлаганликларини изҳор этдилар. (ТАСС).

ВЕРСАЛДАГИ ЖАҲОН АССАМБЛЕЯСИНИНГ РЕЗОЛЮЦИЯСИ

ВЕРСАЛЬ, 14 февраль. (ТАСС махсус мухбирлари). Ҳинди-Хитой халқларининг тинчлиги ва мустақиллиги учун курашга бағишланган жаҳон ассамблеясининг якунловчи мажлисида бир овоздан маъқулланган резолюцияда айтиладики, Ҳинди-Хитой халқларининг курашини қўллаб-қувватлаш мақсадида шу вақтгача ўтказиб келган барча халқаро анжуманлар орасида бу ассамблея энг ваколатли анжуман бўлди. Ассамблеянинг муваффақияти дейилади резолюцияда, Вьетнам, Лаос, ва Камбоджа халқлари олиб бораётган курашнинг муҳимлигини, шунингдек, бу курашни халқаро миқёсда тобора активроқ қўллаб-қувватлаш зарурлигини дунёда борган сари яхшироқ тушунилаётганлигини кўрсатиб турибди.

АҚШ ҳукуматининг стратегияси бош берни кўчага кириб қолди, дейилади ҳужжатда. Ҳинди-Хитойдаги урушга қарши зўр ҳаракат бутун дунёда ва Қўшма Штатларнинг ўзида ҳам кучайиб бормоқда. Шунинг учун ҳам президент Никсон 8 моддадан иборат планни таклиф қилиб, уни таклиф этиш билан бирга урушни янада кучайтирамиз, деб муайян таҳдид қилиб, яна жамоатчиликни алдашга уринмоқда.

Можарони тугатиш йўлини, дейилади резолюцияда, Жанубий Вьетнам Республикаси муваққат революцион ҳукуматининг 1971 йил 1 июлда тақдим этган, Жанубий Вьетнам Республикаси муваққат революцион ҳукуматининг 1972 йил 2 февралдаги баёнотида тушунтириб берилган етти моддадан иборат таклифларида кўрсатиб ўтилган чораларда қидирмоқ керак.

Халқаро миқёсда бирлашиб қилинаётган ҳаракатлар, дейилади резолюцияда, тинчлик учун олиб борилаётган шу курашнинг ютиб чиқишига имкон берувчи кучдир. Социалистик давлатларнинг ва бошқа тинчликсевар мамлакатларнинг ҳар томонлама ёрдами, турли мамлакатларда бирдамлик ҳаракати ривожланиб бораётганлиги ва жаҳон афкор оммасининг кенг равишда қўллаб-қувватлаётганлиги, дейилади резолюцияда Ҳинди-Хитойнинг курашаётган халқлари бу курашда якка-ёлғиз эмасликларини кўрсатувчи яққол далил бўлиб турибди.

Жаҳон халқлари жипс бўлиб ҳаракат қилиш билан, дейилади резолюциянинг охирида, Қўшма Штатлар ҳукуматини Ҳинди-Хитойда тинчликни қайта тиклашга актив равишда мажбур қила оладилар.

ҲИНДИ-ХИТОЙ ХАЛҚЛАРИНИНГ ТИНЧЛИГИ ВА МУСТАҚИЛЛИГИ УЧУН КУРАШГА БАҒИШЛАНГАН ЖАҲОН АССАМБЛЕЯСИНИНГ ЧАҚИРИҒИ

Жаҳондаги барча халқлар ўзларининг ажралмас ҳуқуқларига—тинчликда яшаш ҳуқуқига эгадирлар.

Ҳинди-Хитой халқлари ҳам бошқа халқлар билан баб-баравар шу ҳуқуққа эга. Шунга қарамай, чорак асрдан кўпроқ вақтдан бери улар қўлларига қурол олиб, ўз ҳаётлари ва қадр-қимматларини, ўз мустақилликлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга мажбур бўлмоқдалар. Қўшма Штатлар ҳукумати ўз жаҳон стратегиясининг манфаатларини кўзлаб, жаҳоннинг шу районида Америка ҳукмронлигини ўрнатишга қарор қилди.

Ҳинди-Хитой халқлари қаттиқ қаршилик кўрсатаётганлиги сабабли бутун дунё халқларининг, шу жумладан, Америка халқининг ҳам афкор оммаси тазйиқи остида президент Никсон АҚШнинг қуруқликдаги қўшинларидан бир қисмини Жанубий Вьетнамдан олиб кетишга, сулҳ тўғрисида гапиришга мажбур бўлди.

Аммо бу ҳол унинг урушни давом эттиришдан воз кечаётганлигини асло билдирмайди. Аксинча, у бомбардимон қилишларни кучайтириб ва кенгайтириб, инсонларни муттасил қириш учун мўлжаллаб қўйилган тобора кўпроқ қирувчи қурол-яроғларни ишга солиб, урушни кучайтирмоқда.

Қўшма Штатлар Ҳинди-Хитойни қурол-яроғларнинг мана шу такомиллаштирилган турларини синовдан ўтказадиган майдонга айлантириб юборди, шу сабабли келгусида бу қурол-яроғ турлари қандай қўлланилишини ҳозир ҳеч ким аниқ айтиб беролмайди.

— Биз Вьетнам, Лаос ва Камбоджа халқларига мустақиллик шароитида тинч, эркин яшаш учун тўла ҳуқуқ берилишини талаб қиламиз!

— Биз Қўшма Штатлар ҳукуматидан ўзларининг барча қуролли кучларини жаҳоннинг шу районидан кечиктирмай, батамом олиб чиқиб кетишини, бу қуролли кучлар олиб чиқиб кетиладиган вақтни аниқ тайинлаб қўйишни, Ҳинди-Хитой халқларига қарши олиб борилаётган ҳаво урушини ва ҳар қандай ҳарбий фаолиятни тўхтатишни талаб қиламиз!

— Биз АҚШдан Ҳинди-Хитойда ўзи ўрнатиб қўйган ҳамда АҚШ қўлида уруш ва янги мустамлакачилик қуроли бўлиб турган қўғирчоқ ҳукуматларини ҳар қандай қўллаб-қувватлашни тўхтатишни, Ҳинди-Хитой халқларига четдан ҳеч кимни аралаштирмай ўз тақдирини бемалол ҳал этиш имкониятини беришни талаб қиламиз!

Версаль, 1972 йил, февраль.

Уруш сиёсати қораланди

НЬЮ-ЙОРК, 14. АҚШ президентлиги лавозимига ўз номзодини қўйдиришга уринаётган Нью-Йорк мэри Ж. Линдсей расмий Вашингтоннинг Вьетнам сиёсатини қаттиқ танқид қилди. Америка қўшинларининг ҳаммасини Жанубий Вьетнамдан батамом ва узил-кесил олиб чиқиб кетиш вақтини дархол аниқ кўрсатиб бериш кераклигини айтди. У телевидение орқали гапириб, «Вьетнам халқига, ниҳоят, ўзининг ички проблемаларини ўзи ҳал қилишга имконият берилиши лозим» деди. (ТАСС).

Редактор М. ҚОРИЕВ

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси №26. Редактор — 336545. Редактор ўринбосарлари — 337911, 330683. Масъул секретарь — 334455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283. Партия турмуши — 333469. 337221. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331451. Халқаро ҳаёт — 337221. Саноат капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333258. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 331424. Оммавий ишлар ва хатлар — 332143. 333553. Иллюстрация — 334524. Стенографистка — 337343. Корректура — 337163. Эълонлар — 338112. Коммутатор — 330249. 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ. Андижон — 48—85. Бухоро — 3—31—42. Қарши — 38—42. Нукус — 42—62. Самарқанд — 31—972. Термиз 54—01. Урганч — 34—55. Фарғона — 4-29-44.

Б. — 38. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64697. Р. 03219.